



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги нashри

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

# Postda На посту

2023-yil  
26-yanvar  
payshanba

№ 4 (4594)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

### ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ ХАЛҚЧИЛ ПРОФЕССИОНАЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БИЛАН ЯНАДА ЯҚИН ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳамоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ва бутун юрти- мизда қонун устуворлиги, тинч- лик-осойишталикни янада мус- таҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидаги асосий мақсадлар- га йўналтирилган Ички ишлар ор- ганлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси (кейинги ўринларда —

Кодекс) 1-иловага мувофиқ тас- диқлансин:

ички ишлар органлари ходим- ларини «Инсон қадри учун» та- мойили асосида давлатнинг юк- сак маънавий-ахлоқий фази- латларга эга, ўз бурчига содик, ватанпарвар ва халқпарвар ва- кили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

ички ишлар органлари ходим- ларида хизмат вазифаларига ҳа- лол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъ- улият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб- ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъ- молчилик ва коррупция ҳолат- ларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига

салбий таъсир кўрсатувчи низо- ли вазиятларни юзага келтир- маслик.

Белгилансинки:

ички ишлар органларининг ҳар бир ходими Кодексда белгилан- ган қоида ва талабларни били- ши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий ҳисобланади;

Кодексда белгиланган қоида ва талабларга амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самарадорли- ги ва хизмат интизомини баҳо- лашнинг асосий мезони ҳисоб- ланади;

Кодексдаги қоида ва талаб- ларга амал қилмаслик ёки улар- ни қўпол равишда бузиш ходим- ни Ички ишлар органларидан хиз- матдан бўшатишгача бўлган ин- тизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлади.

Ички ишлар вазири П. Бобожонов ва унинг ўринбо- сари А. Икрамов Кодекс қоида- лари ва талабларига сўзсиз риоя

этилиши, шунингдек, барча дара- жадаги раҳбар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари фақат қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш бўйича шахсан масъул этиб бел- гилансин.

Барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар ор- ганлари бошлиқлари ўз бўйсунуви- даги шахсий таркиб билан Кодекс талабларини бажаришга қаратил- ган маънавий-маърифий ва тар- бивий ишларни амалга оши- риш, шунингдек, ходимларнинг оилавий-маиший муаммолари- ни доимий ўрганиш ва ҳал этиш бўйича самарали чораларни кўриш учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

2. Ички ишлар вазирлиги ту- зилмасида Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъ- минлаш департаменти (кейинги

(Давоми 2-бетда).



Ходимлар касбий маданият қоидаларининг қуйидаги асо- сий талабларига амал қилиш- га мажбурдир:

фуқаролар билан мулоқот- да ҳушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи на- зар, ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймастик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқла- рининг урф-одат ва анъана- ларини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка қўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шах- сларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми Кодексидан



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

ўринларда Департамент) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини ошириш замон талаби ва долзарб вазифа эканидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар Департамент фаолиятини янада такомиллаштиришнинг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

ички ишлар органларида хизматга қабул қилиш бўйича **номзодларни танлашнинг адолатли, холис ва шаффоф тизимини яратиш**, ўрнатилган тартибларни тубдан **соддалаштириш** ва **бюрократик тўсиқларни бартараф этишга** қаратилган комплекс чора-тадбирларни белгилаш;

маънавий-маърифий ишларни «**таълим муассасасидан – хизматнинг охирига қадар**» тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш;

хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда, ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида **манзилли психологик тадбирларнинг замонавий усуллари татбиқ этиш**, лавозимга тайинлаш ва аттестация ўтказиш жараёнларида **мутахассис-психологларнинг ролини ошириш**;

ички ишлар органларида **истиқболли ёш раҳбар кадрлар захирасини шакллантиришнинг янги тизимини жорий этиш**, уларнинг фаолиятини тизимли мониторинг қилиш ва доимий равишда ўқитиб бориш механизмларини яратиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг **жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг узлуксиз тизимини яратиш ва уни баҳолашни янги мезонлар асосида амалга ошириш**;

**инсон омилини истисно этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш мақсадида** ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш, хизматни ўташ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини **замон талабларига мос равишда тўлиқ рақамлаштириш**.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Департамент ва унинг қуйи бўлинмалари фаолиятини белгиланган устувор йўналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали амалга ошириш масъулияти **шахсан ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Икрамов зиммасига юклансин.**

3. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги таклифларига **розилек берилсин:**

ички ишлар органларида хиз-

матга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган **дастлабки синов муддатини бир йил этиб белгилаш**;

ҳудудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инobatга олиб, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриятнинг «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти**» ва «**Тезкор-қидирув фаолияти**» таълим йўналишларига, **тўлов-контрокт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, 200 нафаргача кўшимча ҳар йиллик қабул квотасини киритиш.**

**Ички ишлар вазирлиги (А.Икрамов):**

интизомий жазо тариқасида лавозимдан озод этилаётган ходимларни **бошқа соҳавий тузилмаларга ўтказиш амалиётига чек қўйиб**, ўз йўналиши бўйича **қуйи бўлинмаларга йўналтириш ёки малакасига баҳо берган ҳолда хизматга лойиқлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказиш тартибини йўлга қўйсин**;

**2023 йил якунига қадар** мансаб лавозимларини юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга бўлган номзодлар билан тўлдиришни назарда тутган ҳолда, ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатидан янги, соддалаштирилган тартибини ўрнатиш ҳамда «**Е-nomzod**» **электрон ахборот тизимини** яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўрсин;

**икки ой муддатда** хизматнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олган ҳолда, ички ишлар органлари ходимларида **мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда Ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш** бўйича зарур кўникмаларни шакллантириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни белгиласин;

**уч ой муддатда** ички ишлар органларида **малака тоифасини** бериш тартиби ва мезонларини танқидий қайта кўриб чиқиб, унда ходимларни касбий билимлари, жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражаси, **ахборот технологияларидан фойдалана олиши** ҳамда **Кодекс қоида ва талабларини ўзлаштирганлиги** бўйича синовдан ўтказиш тизимини жорий этсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ички ишлар органларига **хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар** Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида **уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг тегишли лавозимга тайинланади**;

ички ишлар органларига хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар **дастлабки синов муддати даврида** Кодекс қоида ва талабларини бузган ҳолатларда уларга бириктирилган **мураббийлар**, айбдорлик даражасидан келиб чиқиб, **эгаллаб турган лавозимдан озод этишгача бўлган интизомий жазога тортилади**;

Ички ишлар вазирлиги акаде-

мик лицейларининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD), шунингдек, фан доктори ёхуд фан доктори (DSc) илмий даражаларига, профессор ёки доцент илмий унвонларига эга бўлган кафедра бошлиқлари меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига кўра, олий таълим муассасасининг кафедра бошлиғи (мудир)га тенглаштирилади;

**2023 йил 1 сентябрдан** бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини «**Фуқаролар билан ишлаш модули**» бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш орқали уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришдаги шахсий масъулияти оширилади.

Бунда, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида давомийлиги **144 соатдан кам бўлмаган** дастур асосида ходимлар **ҳар уч йилда бир марта** ўқитилиб, махсус синовдан ўтказилади ҳамда синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада **хизмат қилиш ҳуқуқини таъминлайдиган сертификат** берилади.

5. **Ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар «йўл харитаси»** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат **жамоатчилик кенгашлари** тузилсин.

Қуйидагилар жамоатчилик кенгашларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан **жамоатчилик назоратини** амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрнинг ўрганиш ва тизимли **мониторинг олиб бориш**;

ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида **ижтимоий фикр ва жамият манфаатлари** ҳисобга олинишини таъминлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари фаолиятидаги **коррупция ҳолатлари** бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ва унинг натижасини **кенг жамоатчиликка етказиш.**

7. Қуйидагиларга:

а) **Ички ишлар вазирлиги Академиясига** — ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини, шу жумладан шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) **Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига** — ўқув-тайёрлов марказларини ташкил этган ҳолда, иш вақтидан ташқари пайтда академик лицей ўқитувчилари томонидан ўқувчи ва фуқаролар учун ихтиёрийлик асосида кўшим-

ча ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича пулли таълим хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, кўшимча ўқув машғулотларидан тушган маблағлар академик лицей жамғармасида жамланиб, унинг 50 фоизи машғулот ўтказган ўқитувчининг ойлик маошига, 50 фоизи академик лицейнинг моддий-техник ва ўқув базасини ривожлантириш ҳамда бошқарув-ёрдамчи ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобононов, А.Икрамов) **уч ой муддатда:**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда Ички ишлар вазирлиги Академиясида ички ишлар органлари таълим ва ўқув муассасаларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартибини белгиласин;

Ички ишлар вазирлиги академик лицейларида пулли таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **Ички ишлар органларида жисмоний ва жанговар тайёргарликни ташкил этиш концепциясини** тасдиқласин;

барча даражадаги ҳудудий, соҳавий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларининг жанговар шайлик ва жисмоний тайёргарлик даражасини оширишни назарда тутиб, **спортнинг яқка кураш турлари** (қўл жанги, самбо ва кураш) бўйича ҳудудий терма жамоалар ва спорт секцияларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

ички ишлар органларида **психологик хизмат кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этиш**, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш, мутахассисларни хорижий илмий ва таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни назарда тутувчи чора-тадбирларни белгиласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қорордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга **масъул ва шахсий жавобгар этиб Ички ишлар вазири П.Бобононов** белгилансин.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси ўринбосари Д.Қадилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

2023 йил 20 январь.

Тошкент шаҳри.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига 1-илова

### Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми КОДЕКСИ

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси (кейинги ўринларда – Кодекс) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – ИИВ) таълим муассасалари курсантлари ва тингловчилари (кейинги ўринларда – ходимлар)нинг хизмат ҳамда хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқи ва интизомига қўйиладиган талабларни белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш масалаларини тартибга солади.

Ички ишлар органлари ҳарбий тузилмалари бошлиқлари ва ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат ҳамда ҳарбий хизматдан ташқари фаолиятида одоб-ахлоқ ва интизомига қўйиладиган талаблар, бошлиқлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом устави, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муносабатларига доир қонунчилик ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

2. Кодексда белгиланган қоида ва талаблар ходимларнинг хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, чуқур масъулият ва ташаббускорлик ҳисси билан ёндашиш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар, ватанпарварлик ва ўз касбига садоқат туйғусини шакллантириш, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олишга йўналтирилган.

Ҳар бир ходим ички ишлар органларида хизматга қабул қилинган кундан эътиборан Кодекс қоида ва талабларини билиши, уларга қатъий ва сўзсиз риоя қилиши мажбурий ҳисобланиб, эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъи назар, уларнинг барчасига бирдек татбиқ этилади.

Кодекс қоидаларига амал қилиш ходимнинг хизмат фаолияти самардорлиги ва хизмат интизоми баҳолашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

3. Шахсий ваз ва бошқа субъектив сабаблар ходимлар томонидан қонунчилик талаблари ва Кодекс қоидалари бузилишига асос бўла олмайди.

#### 2-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари

4. Касбий маданият қоидалари қайси лавозимни эгаллашдан қатъи назар, ходимларнинг одоб-ахлоқи ва хизматда ўзини тутишининг асосий талаб ва мезонларни ўз ичига олади.

5. Ходимлар касбий маданият қоидаларининг қуйидаги асосий талабларига амал қилишга мажбурдир:

фуқаролар билан мулоқотда ҳушмуомала, камтар ва босиқ бўлиш, ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, ҳеч бир шахс, гуруҳ ёки ташкилотнинг камситилиши ёки афзал кўрилишига йўл қўймаслик;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одат ва

анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳ ҳамда конфессияларнинг маданий ва бошқа хусусиятларини инобатга олиш, ижтимоий барқарорлик, миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликка кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини тўлиқ, холисона ва ўз вақтида қонуний кўриб чиқиш;

ўз хизмат бурчини виждонан бажаришига нисбатан фуқароларда шубҳа уйғотувчи хатти-ҳаракатдан тийилиш, шунингдек, ички ишлар органлари обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда фуқаролар ва бошқа шахсларни камситмаслик, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш;

хизмат мажбуриятларини бажаришга тўқинлик қиладиган ёки уларни бажаришда бирон-бир шахсий, мулкӣ ёки бошқа манфаатларга дахлдор бўлиши мумкин бўлган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан ўзини тийиш;

гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик кўринишларига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик ва қатъий равишда уларнинг олдини олиш;

ички ишлар органларининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишда расмий оммавий ахборот воситалари вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда ишончли маълумотларни олишига кўмаклашиш;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиётчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

ички тартиб қоидаларга, шунингдек, телефонда сўзлашиш ва кийиниш маданиятига қатъий риоя этиш;

ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини муҳокама қилмаслик, ахлоққа зид ибораларни ишлатмаслик, мамлакатда, шу жумладан, ички ишлар органларига амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан одамларда ишончсизлик кайфиятини юзага келтириши мумкин бўлган ноҳолис, субъектив материалларни жойлаштирмаслик;

ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда хизмат хоналари, давлат мулкӣ, моддий-техника базасидан ҳамда ички ишлар органларининг бошқа мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиш.

6. Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва унинг профилактикасига фаоллик билан кўмаклашиши шарт.

Ходимлар ўз бошлиғи ёки ваколатли органларга ўзларини бошқа шахслар ҳуқуқбузарлик содир этишга ундаб мурожаат қилган ҳар бир ҳолат, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳар қандай ўзига маълум бўлган ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши зарур.

7. Ходимлар хайрихоҳ, ҳушмуомала ва эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасбларига сабр-тоқат ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

8. Ходимлар фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир

ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

9. Хизмат вазифаларини бажариш вақтида ходимларнинг ташқи кўриниши иш шароити ва хизмат тадбири хусусиятини инобатга олган ҳолда, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ҳурмат уйғотиши, улар тоза ва ораста кийинган бўлиши зарур.

10. Ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланади.

11. Ходимлар мансаб ваколатларини сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари манфаатлари йўлида амалга ошириши тақиқланади.

12. Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида ёки унинг номидан бу соҳада қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият билан шуғулланиши тақиқланади.

Ходимларга тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга рухсат берилмайди, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларига қонунчиликда белгиланган талаблар доирасида эгаллик қилиш ҳоллари мустасно.

13. Ходимлар ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда, фуқаролар, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказиш орқали шахсий фойда олиши мумкин эмас.

Ходимлар ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиб, фуқаролар, жамият ёки давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказган тақдирда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

14. Ходимларга хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ҳамда ҳар қандай кўринишдаги моддий бойликларни олиш ёхуд уларнинг хизматларидан фойдаланиш тақиқланади. Бундан ходим томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек, мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, умумхалқ байрамлари, расмий равишда нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

15. Ходимлар фуқаролар билан муносабатда ўзларининг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек, ҳар қандай афзалликлар, ғараз ва коррупцияни келтириб чиқарувчи вазиятлардан ўзини тийиши шарт.

16. Хизматдан ташқари вақтда ходимлар:

жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига амал қилиши, миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиши;

ички ишлар органларининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши;

дабдабозлик, шуҳратпарастлик, гуруҳбозлик, маишатбозлик, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга йўл қўймаслиги;

хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотларни оила аъзолари, таниш-билишлари ёки хизматга алоқадор бўлмаган бошқа шахслар иштирокида муҳокама қилмаслиги;

ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этмаслиги шарт.

17. Ходимлар чет эл ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудларига хизмат сафарлари давомида қонунчилик ҳужжатлари ва ИИВнинг норматив ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши лозим.

#### 3-боб. Ички ишлар органларида хизмат интизомига оид талаблар

18. Ички ишлар органларида хизмат интизоми ходимлар томонидан ушбу Кодекс талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этишдан иборат.

Хизмат интизоми ҳар бир ходимнинг хизмат бурчини юксак даражада англашига ва қўйилган вазифалар учун шахсий жавобгарлигини чуқур тушунишига асосланади.

19. Хизмат интизоми ҳар бир ходим зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига амал қилиш, ИИВнинг норматив ҳужжатлари талабларини қатъий бажариш;

ички ишлар органи ходимининг қасамёдида содиқ бўлиш, фақат ва фақат халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишдан иборат бўлган ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣни, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси йўлида фидойилик билан хизмат қилиш;

ўзига юклатилган хизмат вазифалари ва функционал мажбуриятларини самарали амалга ошириш;

ишониб топширилган табелъ қуроли, мол-мулк ва техникани асраб-авайлаш;

ҳушёр бўлиш, давлат ва хизмат сирини қатъий сақлаш;

мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;

ходимлар ўртасида ўзаро муносабатларга оид қоидаларга амал қилиш, бошлиқлар ва ҳамкасбларни ҳурмат қилиш;

хизмат гувоҳномаларини сақлаш ва фойдаланиш тартибига қатъий риоя этиш, улардан хизматга алоқадор бўлмаган ҳолатларда фойдаланмаслик, шу жумладан, хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, мавқеини суиистеъмол қилмаслик;

доимий равишда ўз билим ва касбий кўникмаларини такомиллашти-

(Давоми 4-бетда).





(Давоми. Бошлангичи 3-бетда).

риб бориш, малака ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

хизматдан ташқари ҳолатларда ўзини муносиб равишда тутиш, жамоат тартиби ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишда намуна бўлиш.

#### 4-боб. Ички ишлар органларида бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари

20. Ходим хизмат вазифасини бажариш пайтида бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиққа бўйсунди.

21. Ходимлар хизмат бўйича бўйсунадиган, шу жумладан, вақтинча бўйсунадиган раҳбарлар тўғридан-тўғри бошлиқлар бўлиб ҳисобланади.

Ходимга энг яқин бўлган тўғридан-тўғри раҳбар бевосита бошлиқ ҳисобланади.

22. Бошлиқ ўзи раҳбарлик қилаётган ички ишлар органи бўлинмасида хизмат интизомига риоя этилиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

23. Бошлиқ унга бўйсунувчи ходимлар томонидан Кодексга амал қилинишида талабчан бўлиши, юксак касбий маҳорат, қонунийлик талаблари ҳамда қасамдга риоя этиш борасида доимий равишда уларга намуна кўрсатиши, хизмат бурчи ҳиссини кучайтириши ва қўллаб-қувватлаши, ташаббус, интилиш ва хизматларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизоми бузилган ҳолатларда таъсир чоралари қўлланилишини таъминлаши зарур.

24. Буйруқ ва топшириқлар бўйсунуш тартибидан берилди. Юқори турувчи бошлиқ зарур ҳолларда ходимга бевосита бошлиғини хабардор қилмасдан буйруқ ёки топшириқ беришга ҳақли. Мазкур ҳолларда ходим ўзининг бевосита бошлиғини бундан хабардор қилиши зарур.

25. Ноқонунийлиги яққол кўриниб турган ва хизмат фаолиятига алоқаси бўлмаган буйруқ ва топшириқлар берилишига йўл қўйилмайди.

Бошлиқ қўл остидаги ходимлардан уларнинг хизмат мажбуриятлари доирасидан чиқувчи топшириқларни бажаришни, шунингдек, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишни талаб қилишга ҳақли эмас.

Ходим қонунга яққол зид бўлган (хизмат фаолиятига алоқадор бўлмаган) буйруқ ёки топшириқ олганда зудлик билан юқори турувчи раҳбарга ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар беради.

Ходим юқори турувчи раҳбар ёки шахсий хавфсизлик бўлинмасига хабар бериш имконияти бўлмаган тақдирда қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда ғайриқонуний буйруқ ва топшириқларни бажаришдан бош тортишга ҳақли, имкон пайдо бўлиши билан уларни хабардор қилиши лозим.

26. Бошлиқнинг буйруқ ва топшириқлари (қонунга зид буйруқ ва топшириқлардан ташқари) сўзсиз, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши шарт.

Буйруқ ва топшириқларни муҳокама этишга, шунингдек, уларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Ходим буйруқ ёки топшириқнинг бажарилгани тўғрисида буйруқ ёки топшириқ берган бошлиққа, шунингдек, бевосита бошлиғига ахборот беради.

Буйруқ ёки топшириқни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, ходим зудлик билан бу ҳақда буйруқ ёки топшириқ берган бошлиқни хабардор этиши шарт.

27. Бошлиқ ходимларни қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишчилик ёки шахсий саноқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. У ўз хизмат бурчини ўташ пайтида маҳаллийчилик ва таниш-билишчилик, шунингдек, бошқа салбий омилларнинг намоён этилишига барҳам бериши керак.

28. Бошлиқ қуйидагиларга мажбур: бўйсунувчидаги ходимларга профессионализм, ҳалоллик, холислик ва адолатлиликда ўрнак бўлиш;

жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш;

ходимларни қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ундамаслик ҳамда улардан бундай ҳаракатларни бажаришни талаб қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш, ходимлар учун қулай ва муносиб хизмат шароитларини яратиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриш;

жамоада гуруҳбозлик ва фаворитизм (айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-қувватлаш) кўринишларига йўл қўймаслик;

коррупция ва ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш, ходимларни ҳурмат қилиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик;

шахсий таркибни самарали бошқариш, ходимларнинг хизмат фаолиятини холисона баҳолаш;

ўзига бириктирилган мол-мулк ва молиявий маблағларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ходимларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, улар билан ўзаро яқин муносабат ўрнатиш, жамоани бирлаштириш, ходимлар томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатларнинг сабабини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, хизмат интизоми бузилишига муросасиз муносабатда бўлиш;

ходимларнинг, улар оила аъзоларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат принципларига амал қилиш, юқори турувчи раҳбарга қўл остидаги ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

ходимлар олдига қўйилаётган вазифа ва берилаётган топшириқларни аниқ ва тушунарли ифодалаш.

#### 5-боб. Ички ишлар органларида касбий маданият ва хизмат интизомини таъминлаш

29. Ички ишлар органларида касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этиш ходимларда юксак онгу тафаккурни шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни изчил олиб бориш, шунингдек, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш орқали таъминланади.

30. Ходимларга нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

- миннатдорлик эълон қилиш;
- қимматбахо ёки эсдалик совғаси ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш;
- фахрий ёрлик билан тақдирлаш;
- идоравий кўрак нишони билан тақдирлаш;
- муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш;
- эгаллаб турган лавозими билан

назарда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш.

Шунингдек, рағбатлантириш тариқасида Кодекснинг 34-банди «а», «б» ва «в» ҳамда 35-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган муқаддам қўлланилган интизомий жазо муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

31. ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 30-бандида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилади:

а) таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келишга рухсат бериш;

б) «Ҳурмат тахтаси»га киритиш;

в) курсант (тингловчи)нинг ота-онаси ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ёки «Жалолддин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш.

32. Алоҳида хизматлари учун ходимлар Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

33. Ойлик иш ҳақи, даврий мукофотлар, қўшимча тўловлар, устама ҳақлари ва ходимларнинг пул таъминотида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш чораларига кирмайди.

34. Ходимларга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

а) танбех;

б) ҳайфсан;

в) қаттиқ ҳайфсан;

г) лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима;

д) махсус унвонини бир поғона пасайтириш;

е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;

ж) гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш;

з) ички ишлар органлари хизматидадан бўшатиш.

35. ИИВ таълим муассасаларида Кодекснинг 34-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасаларининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (тингловчилар)га нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:

а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача ҳўжалик ишларига жалб этиш;

б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;

в) курсантлар (тингловчилар) рўйхатидан ўчириш.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари ИИВ таълим муассасалари магистратура босқичи тингловчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

36. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари бошлиқлар томонидан ўзига берилган ваколатлар доирасида қўлланилади.

37. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари, транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари, жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари бошлиқлари, бригада ва батальон командирлари, минтақавий мувофиқлаштириш марказлари раҳбарлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кодекснинг 30-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг 34-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

38. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосарлари — департамент бошлиқлари (ўз йўналишлари бўйича ҳудудий ва тармоқ ички ишлар органлари ходимларига нисбатан), Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ҳамда таълим муассасалари бошлиқлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган раҳбарлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кодекснинг 30-банди «а», «б» ва «в» кичик бандлари ҳамда 31-бандида («г» кичик бандидан ташқари) назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг 34-банди «а», «б», «в» ва «г» кичик бандлари ҳамда 35-бандида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари — Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ички ишлар ходимларига нисбатан:

Кодекснинг 30-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Кодекснинг 34-бандида назарда тутилган («д» ва «з» кичик бандидан ташқари) интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

39. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Кодексда назарда тутилган барча рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллайди, қўлланилган интизомий жазоларни бекор қилиш орқали рағбатлантиради, шунингдек, ходимларни Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари ва давлат мукофотларига тавсия этади.

40. Ички ишлар органлари хизматида қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш ваколатига эга бошлиқлар ходимларга нисбатан Кодекснинг 34-банди «е», «ж» ва «з» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга.

41. Қўл остидаги ходимларига нисбатан ўз ваколатларига кирмайдиган рағбатлантириш чораларини қўллаш зарурияти туғилган ҳолатда бошлиқ юқори турувчи раҳбарга бу ҳақда илтимоснома киритади.

42. Бошлиқ қўл остидаги ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг ўта жиддийлиги сабабли уни лозим даражада жазолаш учун ўзига берилган ваколатларни етарли эмас деб ҳисобласа, юқори турувчи раҳбарга ходимга нисбатан оғирроқ интизомий жазо қўллаш тўғрисида илтимоснома киритади.

43. Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлиқ интизомий жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбар томонидан бекор қилинади.

44. Ходим хизмат сафари ёки даволинида бўлган вақтда хизмат интизомини бузган тақдирда мазкур хатти-ҳаракатдан хабар топган

(Давоми 5-бетда).



(Давоми. Бошланиши 4-бетда).

бошлиқ ушбу ҳолатни бартараф этиш чораларини кўради ва бу ҳақда ходимнинг хизмат жойига хабар беради.

45. Рағбатлантириш чоралари алоҳида ходимга нисбатан ҳам, бир гуруҳ ходимларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ходимга нисбатан бир ютуғи (натижаси) учун фақат битта рағбатлантириш чораси қўлланилиши мумкин.

Рағбатлантириш чорасини белгилашда ходимнинг хизмат кўрсаткичлари хусусияти, шунингдек, унинг аввалдан хизматга бўлган муносабати эътиборга олинади.

46. Кодекснинг 34-банди «а», «б» ва «в» кичик бандларида назарда тутилган интизомий жазо қўлланилган ходим мазкур жазони бекор қилиш орқали рағбатлантирилади. Интизомий жазони бекор қилиш ҳуқуқи уни қўллаган бошлиққа ёки унга тенг ваколатга эга, шунингдек, юқори турувчи ваколатли раҳбарга берилади.

47. Рағбатлантириш чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

миннатдорлик эълон қилиш — касбий маданият қоидаларига риоя этиб, юклатилган вазифани, бошлиқнинг буйруғи ёки топшириғини муваффақиятли бажарган ходим (ҳодимлар гуруҳи)га нисбатан;

қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофоти билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ҳодимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани ва бенуқсон хизмати учун, шунингдек, захирага (истеъфога) чиқиши муносабати билан ёки мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра;

фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш — касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларига риоя этган ходим (ҳодимлар гуруҳи)га нисбатан хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришгани, хизмат вазифасини намунали бажаргани учун, шунингдек, мусобақа (беллашув)нинг якуний натижаларига кўра ва ўқишни (ўқув йилини) муваффақиятли якунлаганда;

идоравий кўрак нишони билан тақдирлаш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти ва кўп йиллик бенуқсон хизмати, ички ишлар органлари тизимини такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшгани, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатгани, шунингдек, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшгани учун;

муддатидан олдин навбатдаги махсус унвон бериш ёки эгаллаб турган лавозими билан кўзда тутилгандан бир поғона юқори махсус унвон бериш — ходимга нисбатан юқори хизмат интизоми, касбий маданияти, хизмат бурчини бажариш чоғида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва фидойилиги, ички ишлар органлари амалий фаолиятига салмоқли илмий ҳисса қўшгани (илмий даражани олганда), хизмат вазифаларини юксак даражада бажаришда намуна бўлгани учун (ички ишлар органларида хизмат ўташ масалаларини тартибга солиувчи қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ);

таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш — юклатилган вазифаларни, командир-

ларнинг буйруқ ёки топшириқларини виждонан бажарган ИИБ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

«Хурмат тахтаси»га киритиш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув дастурларини аъло баҳолашга ўзлаштирган ИИБ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

ота-онасига ёки турар жойига миннатдорлик хати юбориш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув мавсумини аъло баҳолаш билан якунлаган ИИБ таълим муассасаларининг курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ёки «Жалолiddин Мангуберди» стипендиясини тайинлаш — ижтимоий-маданий ҳаётда фаол иштирок этган, ўқув ва хизмат интизомига риоя қилишда намуна бўлган, ўқув йилини аъло баҳолаш билан якунлаган ИИБ таълим муассасаларининг курсантларига нисбатан.

48. Қўлланилган рағбатлантириш чораси буйруқ билан эълон қилинади. Миннатдорлик эълон қилиш ва таълим муассасаси ҳудудидан навбатдан ташқари чиқиб келиш буйруқ орқали ҳам, оғзаки ҳам эълон қилиниши мумкин.

Рағбатлантирилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдидан ёки кенгайтирилган мажлис (йиғилиш) да тантанали тарзда эълон қилинади.

Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ эълон қилинган вақтда, қоида тариқасида, ходимларга фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо ёки эсдалик совға ёхуд пул мукофоти лари, кўрак нишонлари топширилади.

49. Буйруқ билан эълон қилинган рағбатлантириш чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олинishi лозим.

Рағбатлантириш чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

50. Кодексда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

51. Содир этилган ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо тайинланади.

Хизмат интизоми бир неча ходимлар томонидан бузилганда, интизомий жазо уларнинг ҳар бирига нисбатан алоҳида қўлланилади.

Содир этилганлиги маъмурий жазо тайинлашга олиб келган хатти-ҳаракатлар учун интизомий жазо қўллашга йўл қўйилмайди.

Интизомий жазо чоралари қўлланган ходимлар, агарда уларнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлса, жиноий жавобгарликдан озод этилмайди.

52. Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножўя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айбдорнинг аввалги хулқ-атвори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек, юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади.

Ходим томонидан содир этилган ножўя хатти-ҳаракат кам аҳамиятли бўлса, бошлиқ унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламалиги ва

бошқа бундай ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огоҳлантириш бериш билан кифоялиниши мумкин.

Жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал этиш, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этган ходимларга жамоатчилик таъсирини ўтказиш мақсадида ички ишлар органларида сайлов асосида интизомий кенгашлар ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда фаолият кўрсатади.

53. Интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, қуйидагича қўлланилади:

танбех — юклатилган вазифаларни, бошлиқнинг топшириқлари ва услубий кўрсатмаларни бажармаган, хизмат кийимини кийиш қоидаларини бузган ходимларга нисбатан;

ҳайфсан — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс талабларини, хизмат гувоҳномасидан фойдаланиш, фуқаролар ҳамда ҳамкасблари билан муомала маданияти қоидаларини бузган, белгиланган кун тартибига мунтазам равишда амал қилмаган ва хизмат мажбуриятларини бажармаган, жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатган ходимларга нисбатан;

қаттиқ ҳайфсан — амалдаги «ҳайфсан» интизомий жазоси бўлган ходимларга нисбатан, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини такроран бузганлиги учун;

лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима — амалдаги интизомий жазоси бор-йўқлигидан қатъи назар, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини кўпол равишда бузган, хизмат бурчига масъулиятсиз ёндашган, иш самардорлиги паст бўлган ходимларга нисбатан;

махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш — амалдаги интизомий жазоси бўлган, касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Кодекс нормаларини кўпол равишда бузган, хизматни ўташга лоқайдлик билан муносабатда бўлган, юклатилган хизмат мажбуриятларини бажармаган ходимларга нисбатан;

гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш — интизомий жазонинг қатъий чораси сифатида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш учун асос бўладиган ножўя хатти-ҳаракатни содир этган ходимларга нисбатан;

ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш — хизмат интизоми кўпол равишда бузган, ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этган, интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизоми бузган, қонун ҳужжатларида белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этмаган ходимларга нисбатан;

навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим ташкилоти ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш — юклатилган вазифаларни ёки командир (бошлиқ)нинг топшириқларини бажармаган, таълим ташкилотининг ўрнатилган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қоникарсиз ўзлаштирган ИИБ таълим

муассасалари курсантлари (тингловчилари)га нисбатан;

курсант (тингловчи)лар рўйхатидан ўчириш — ИИБ таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларига нисбатан касбий маданият қоидалари ва хизмат интизоми талабларини бузганлиги, ўқув дастурини ўзлаштира олмаганлиги учун.

54. Амалдаги интизомий жазо бор-йўқлигидан қатъи назар, хизмат интизоми кўпол равишда бузган ходимга нисбатан ички ишлар органларидан бўшатиш интизомий жазоси ҳам қўлланилиши мумкин.

Қуйидагилар хизмат интизоми кўпол равишда бузиш деб эътироф этилади:

ходимнинг сабабсиз равишда узлуксиз уч кундан ортиқ муддатда хизмат жойида бўлмалиги;

хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузишга, одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига хавф туғдиришга олиб келувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш (агар бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаса);

махфийликка оид тартиб-қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

ходимга ишониб топширилган табель курали ва унинг ўқларини, мол-мулк ва (ёки) техникаларни қасддан йўқ қилиш, зарар етказиш ёки унинг (уларнинг) йўқолишига сабаб бўладиган тарзда эҳтиётсизлик билан сақлаш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса);

махбуснинг ёки қўлга олинган шахснинг қочиб кетишига, пул маблағи ёки товар бойликларини ва ҳужжатларни йўқолишига сабаб бўлган тарзда пост ва конвой хизматини ўташ қоидаларини бузиш (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

Ходим хизмат жойида алкоголь ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ва (ёки) бошқа моддалар таъсирида маст бўлгани сабабли интизомий жавобгарликка тортиш учун ушбу ҳолатни исботлаш мақсадида тиббий текширув натижаларига, агар ходим текширувдан бош тортса, камида икки ходим ёки бошқа шахслар кўрсатмаларига асосланади.

55. Касбий маданият қоидаларини, шунингдек, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги муносабат қоидаларини кўпол равишда бузиш ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат содир этиш ҳисобланади.

Жамиятдаги одоб-ахлоқ қоидаларини оқибдан-очиқ писанд қилмаслик билан боғлиқ бўлмаган оилавий келишмовчиликлар, жанжаллар ва маиший низолар ички ишлар органи ходими шаънига путур етказувчи хатти-ҳаракат сирасига кирмайди.

56. Интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизоми бузиш, деганда буйруқ асосида эълон қилинган амалдаги интизомий жазоси бўлгани ҳолда, ходим томонидан хизмат интизоми бир неча бор бузиш тушунилади.

57. Махсус унвонини бир поғона пасайтириш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тарзидаги интизомий жазо чоралари, қоида тариқасида, айбдорга бошқа интизомий жазо турлари тегишлича таъсир кўрсатмаган ҳолларда қўлланилади.

(Давоми 6-бетда).



(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

58. Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо қўлланилганда, ходим ушбу ножўя хатти-ҳаракати учун (агар бу жиноий жавобгарликка олиб келмаса) ички ишлар органлари хизматидан бўшатилади.

Гауптвахтада ҳибсда сақлаш муддати сафдорлар, сержантлар ва кичик офицерлар таркиби ходимлари учун — 10 суткагача, катта офицерлар таркиби ходимлари учун — 5 суткагача бўлиши мумкин.

Гауптвахтада ҳибсда ушлаб туриш тарзидаги интизомий жазо аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

59. Интизомий жазо қўллашдан аввал ходимдан ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ходим ушбу тушунтиришни беришдан бош тортса, тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилади.

Тушунтиришни беришдан бош торттиш ҳолати содир этилган қилмиш учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ кўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди.

Интизомий жазо чораларини қўллаш пайтида бошлиқ ходимнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, у билан муносабатда қўполликка йўл қўймаслиги зарур.

60. Интизомий жазонинг қўлланилиши ходимни ножўя хатти-ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятдан озод этмайди.

61. Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат бошлиққа маълум бўлган кундан бошлаб бир ой муддат ичида, хизмат текшируви ўтказилганда эса — текширув тугаган кундан бошлаб 10 суткадан кечикмай қўлланилиши керак, бунда айбдорнинг хасталик ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди.

Интизомий жазо ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан кейин қўлланилиши мумкин эмас.

62. Маст ҳолатда бўлган айбдорга нисбатан интизомий жазо қўллаш, шунингдек, ундан ҳар қандай тушунтириш олиш ходим хушёр ҳолга келгунча кечиктирилади.

63. Қўлланилган интизомий жазо чораси буйруқ билан эълон қилинади. Навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш, бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳам буйруқ орқали, ҳам оғзаки эълон қилиниши мумкин.

Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо қўллаш ҳақидаги қарор интизомий кенгаш ҳулосаси, шунингдек, ўтказилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган хизмат, комплекс ёки инспекторлик текширувлари асосида қабул қилинади.

Интизомий жазо чораси қўлланилганлиги ҳақида ходимга шахсан, саф олдида ёки кенгайтирилган йиғилиш (мажлис)да эълон қилинади.

64. Амалдаги интизомий жазоси мавжуд бўлган ходимнинг номзоди ушбу жазо бекор қилингунга қадар рағбатлантиришга, навбатдаги махсус унвон олишга ва юқори лавозимларга тайинланишга тақдим этилмайди.

65. Шикоят билан арз қилинган ҳолларда тайинланган интизомий жазони ижро этиш тўхтатилмайди.

Ходим интизомий жазо эълон қилинган кундан эътиборан бир ой

муддат ичида юқори турувчи бошлиққа ёки хизматни ўташ жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

66. Буйруқ асосида тайинланган интизомий жазо тайинланган вақтдан бошлаб бир йил ўтгач бекор қилинади (агар ходим шу муддат ичида янги интизомий жазога тортилмаса). Рағбатлантириш тартибида интизомий жазо бир йил ўтмасдан бекор қилиниши мумкин.

Агарда бир йил ичида ходимга нисбатан бир неча интизомий жазо тайинланса, уларни бекор қилиш муддати охири тайинланган интизомий жазо чораси санаси бўйича ҳисобланади.

67. Буйруқда эълон қилинган интизомий жазо чораси ходимнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига киритиш орқали ҳисобга олиниши лозим.

Интизомий жазо чораларини ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

#### **6-боб. Бошлиқнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш**

68. Ҳар бир ходим бошлиқнинг унга нисбатан қонунга зид ёки ноҳақ ҳаракатлари устидан юқори турувчи раҳбар ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига ёзма шикоят беришга ҳақли.

69. Ходимнинг шикоятида баён этилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган юқори турувчи раҳбар ушбу мурожаатни беш кун муддатда ваколатли идорага юборади.

70. Юқори турувчи раҳбарга ёки хизмат жойидаги шахсий хавфсизлик бўлинмасига қонунчиликни бузиш фактлари ёхуд ўзига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлинганлиги ҳақида мурожаат этганлиги учун қўл остидаги ходимни таъқиб этган бошлиқ интизомий тартибда жавобгарликка тортилади (агар унинг хатти-ҳаракатлари жиноий жавобгарликка олиб келмаса).

71. Ходимларнинг шикояти бир ой ичида ҳал этилади, қўшимча текширув талаб этмайдиганлари эса зудлик билан, бироқ келиб тушган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмаган ҳолда кўриб чиқилади.

72. Қасддан ёлғон шикоят билан мурожаат этган ходимлар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

#### **7-боб. Якуний қоидалар**

73. Кодекс нормаларининг бажарилиши устидан назорат ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

74. Кодекс нормаларининг бузилиши қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига**

#### **2-илова Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисида низом**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини

амалга ошириш, маънавий-маърифий ва мукофотлаш ишларини ташкил этиш, хизматни ўташ қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя жараёнларини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда — ИИВ) марказий аппаратининг мустақил бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, ИИВнинг норматив ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари тизимида қуйидагилар кирди:

Департамент;  
ИИВ департаментлари ва уларнинг қуйи тузилмалари, ҳарбий тузилмалари, таълим, ўқув ва тиббиёт муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари (бошқарма, бўлим, бўлинма, гуруҳ);

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар Ички ишлар бошқармаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари;

туман ва шаҳарлар ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари (бўлим, бўлинма, гуруҳлари).

4. Департамент ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади.

5. Департамент Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри ҳамда бланкасига, штампига эга.

Департамент Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан таъсис этиладиган ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.

#### **2-боб. Департаментнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ички ишлар органларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўлинмалари тизимида қирадиган тузилмаларнинг (кейинги ўринларда — кадрлар билан ишлаш бўлинмалари) фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, баҳолаш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни ташкил этиш, касбий маданият ва хизмат интизому талабларига

сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибни ва танпарварлик руҳида доимий равишда тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш;

ички ишлар органларидаги хизматга, шунингдек, идоровий таълим муассасаларига номзодларнинг танлов асосида қабул қилинишини ташкил этиш, кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, хизматни ўташ тартибининг қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этилишини, узлуксиз ўқув-карьерга жараёнига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равишда малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш;

ички ишлар органларида шахсий таркибни мукофотлаш ишларини таъминлаш, номзодларни давлат ва идоровий мукофотларга холислик тамойили асосида тақдим этиш, тизимда геральдика фаолиятини амалга ошириш;

ички ишлар органларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва психологик тайёргарлигини таъминлаш, тизимда мусобақаларни ўтказиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида спортга бўлган қизиқишни ошириш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, соғлиғи муҳофаза қилинишини ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, фаолият шакллари ва услулари янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Департамент қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш, баҳолаш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг яқин ҳамкорликда самарали ишлашини ташкил этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан идоровий назоратни амалга ошириш, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда, уларнинг ишларини ўрганиш, назорат текширувларини ўтказиш, аниқланган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги ҳисоботларнинг ягона шаклда юритилишини таъминлаш, ахборот-таҳлил ҳамда ҳисобот маълумотлари базаси ва тизимларини шакллантириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини комплекс, тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш, фаолият самардорлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш, ижобий иш амалиётини тизим микёсида оммалаштириш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, амалга ошириладиган ишлар тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш, ички ишлар органлари ходимининг ижобий имижини шакллантириш;



(Давоми. Бошланғичи 6-бетда).

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг ходимларини рағбатлантириш ишларини ташкил этиш ва таъминлаш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимлари ўртасида хизмат интизоми ва қонунийлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, коррупцион омилларга барҳам бериш борасида ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш йўналишида ахборот-таҳлилий материаллар, шарҳлар, услубий тавсиялар ва кўрсатмалар тайёрлаш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қонунийликка риоя этилишини ташкил этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришида уларга услубий, амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, жойларга чиққан ҳолда бевосита кўмаклашиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлигини ташкил этиш;

б) ички ишлар органларида маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий ишларни ташкил этиш, касбий маданият ва хизмат интизоми талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида доимий равишда тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини ҳаётга самарали татиқ этиш фаолиятини амалга ошириш, бу борада барча соҳавий, тармоқ ва ҳудудий ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг шахсий таркиби билан маънавий-маърифий, тарбиявий ва психологик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

«ходимбай» ишлаш тизими асосида шахсий таркиб ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари, қонунийликка ва хизмат интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, коррупцион ҳолатларни барвақт олдини олиш;

ички ишлар органларида «мураббийлик институти»ни самарали амалга оширишни ташкил этиш, мураббийлар ва ёш ходимлар фаолиятини мониторинг қилиш, баҳолаш ҳамда услубий таъминлаш ишларини йўлга қўйиш;

ёшларга оид давлат сиёсатининг ички ишлар органларида амалга оширилишини таъминлаш, ёш ходимларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ташкил этиш;

тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг шахсий таркиби ва уларнинг оила аъзолари учун маданий-маърифий ишлар амалга оширилишини ташкил этиш;

маданият, санъат ва бадий тадбирларни ташкил этиш орқали шахсий таркибни ғоявий, ватанпарварлик руҳида ва маданий-эстетик тарбиялашни тарғиб этиш;

ички ишлар органлари фахрийлар кенгаши фаолиятини самарали ташкил этиш орқали «Устоз-шогирд» аънасанини оммалаштириш;

ходимларнинг маънавий-ахлоқий хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ хиз-

мат интизомининг бузилиши ва бошқа салбий ҳолатлар бўйича хизмат текширувлар ўтказиш, ички ишлар органларида интизомий жазо чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш;

шахсий таркиб ўртасида юксак ватанпарварлик руҳидаги муҳитни шакллантириш, уларнинг руҳий-психологик тайёргарлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларида маънавий-руҳий муҳитни мунтазам равишда ўрганиш ва мониторингини олиб бериш, аниқланган камчиликларни бар-тароф этиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

ички ишлар органларига хизматга, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинаётган номзодларни индивидуал-психологик ва психофизиологик ўрганиш чораларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларида психологлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда хизмат фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини ташкил этиш;

в) ички ишлар органларидаги хизматга, шунингдек, идоравий таълим муассасаларига номзодларнинг танлов асосида қабул қилинишини ташкил этиш, кадрлар сиёсатини амалга оширишни таъминлаш, хизматни ўташ тартибининг қоидалари ва меҳнат муносабатларига риоя этилишини, узлуксиз ўқув-карьерга жараёнига доир талабларнинг бажарилишини назорат қилиш соҳасида:

ички ишлар органларидаги хизматга номзодларни қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш, хизмат муддатини узайтириш, ички ишлар органлари ихтиёрида қолдириш ва хизматдан бўшатиш учун келиб тушган тақдимномаларни кўриб чиқиш ва ушбу масалалар юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш;

ички ишлар органларидаги бўш лавозимларни юксак ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, ички ишлар органлари ихтиёрида қолдирилган ходимларни лавозимга тайинлашни ташкил этиш;

ички ишлар органларида хизмат ўташ, махсус ва ҳарбий унвонлар бериш ҳамда раҳбар кадрларни ротация қилиш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

шахсий таркибнинг касбий салоҳияти ва фаолияти натижаларини КР1 тизими асосида баҳолаш, баҳолаш натижалари бўйича уларнинг рейтингини юритиш;

ички ишлар органларида хизматда бўлишнинг белгиланган чегарадаги ёшига тўлган ва тўладиган ходимлар мониторингини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ва ИИВ номенклатураси (рўйхати)га киритилган раҳбарлик лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш;

махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатнома талаб этиладиган лавозимлар рўйхатини шакллантириш, ходимлар ва номзодларга рухсатномаларни расмийлаштириш, сақлаш ва юритишни ташкил этиш;

шахсий таркиб ва унинг яқин қариндошларига нисбатан қўшимча махсус текширув ишларини режалаштириш ва амалга ошириш, чет эл давлатларига чиқиш учун рухсат сўраб қилган мурожаатларни кўриб чиқиш;

шахсий таркибни аттестациядан ўтказиш борасидаги ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ходимларнинг анкета ҳамда хизмат фаолиятига оид маълумотларини юритиш, уларни лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш, ротация қилиш, хизмат муддатини узайтириш, хизматдан бўшатиш, уларга махсус унвонлар бериш ҳақидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш учун киритиш ишларининг «Е-кадр» ёпиқ ахборот тизими орқали амалга оширилишини таъминлаш;

шахсий таркибнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдларини сақлаш, юритиш ҳамда хизмат ўташга оид маълумотларни қайд этиб бориш;

хизматдан бўшатирилган ходимларнинг меҳнат дафтарчалари ёки меҳнат фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисобини юритиш, ҳарбий ҳисобга қўйиш учун йўлланмалар беришни таъминлаш;

шахсий таркибга хизмат гувоҳномалари ва жетонлар берилишини ташкил этиш ҳамда ушбу масалага оид ҳисоботларни юритиш;

ИИВ таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмалари ходимларига хизмат йиллари учун фоизли устама ҳақ ўрнатишга оид ҳужжатларни расмийлаштириш;

г) ички ишлар органлари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг доимий равишда малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш соҳасида:

кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш, идоравий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш;

идоравий таълим муассасаларининг ўқув-методик, илмий-тадқиқот, кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий йўналишлардаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва идоравий ҳамда турдош таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар ҳуқуқ-тартибот органларининг таълим муассасаларига ўқишга қабул ўринларини ажратиш бўйича таклифлар киритиш;

идоравий таълим муассасаларига номзодларни қабул қилиш бўйича танловлар ўтказилишини ташкил этиш, ушбу фаолиятни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

идоравий таълим муассасаларида ўқитиладиган мутахассислик йўналишларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда ўқув режалари ва дастурларини тайёрлашни ташкил этиш;

идоравий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни, илмий-тадқиқот ишлари ташкил этилганлигини, олий таълимдан кейинги таълим жараёнини мунтазам равишда ўрганиб бориш;

ички ишлар органларининг кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, идоравий ва турдош олий таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар ҳуқуқ-тартибот органларининг таълим муассасалари битирувчиларининг тақсиротини ўтказиш;

ёш кадрларга бириктирилган мураббийлар фаолиятини ўрганиш орқали уларнинг касбий ўсишлари узлуксиз мониторинг қилинишини ташкил этиш;

идоравий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибига педагог кадрларни ишга қабул қилиш

бўйича комиссия (ишчи гуруҳ) фаолиятини назорат қилиш;

идоравий таълим муассасалари ва ҳудудий ички ишлар органларида конференция, илмий анжуманлар, ўқув-услубий семинарлар, давра суҳбатлари ва фан олимпиадалари, шунингдек, ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш юзасидан ўқув йиғинлари ва тренинглар ўтказилишини ташкил этиш;

идоравий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига белгиланган намунадаги кўкрак нишонлари ва стипендиялар тайинлашга оид ҳужжатларни кўриб чиқиш ва расмийлаштириш;

ИИВнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда ходимларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини ўрганиш;

кадрларни бошланғич тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш, мониторингини ўтказиш ва мувофиқлаштириш;

шахсий таркибнинг республика давлат бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларда белгиланган келишувлар асосида малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

ходимларнинг хорижий давлатлар, хусусан таълим муассасаларида узоқ муддатли ўқув дастурлари асосида малака ошириши ва тажриба орттириши бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш;

д) ички ишлар органларида шахсий таркибни мукофотлаш ишларини таъминлаш, номзодларни давлат ва идоравий мукофотларга ҳолислик тамойили асосида тақдим этиш, тизимда геральдика фаолиятини амалга ошириш соҳасида:

ички ишлар органларида шахсий таркибни рағбатлантириш чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш, назорат қилиш ва амалга ошириш;

давлат мукофотлари ва фахрий унвонларига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш, мукофотлашга тақдим этиш бўйича тегишли тақдимномалар расмийлаштириш ҳамда ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларининг давлат мукофотлари ва геральдика бўйича марказий, ҳудудий ва соҳавий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш;

шахсий таркибга нисбатан қўлланган рағбатлантириш чораларининг ҳисобини юритиш, бу борада шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига маълумотларни киритиб боришни таъминлаш;

мукофотлаш ишларига масъулиятсизлик билан ёндашган, номзодларни тақдим этишда ҳолислик тамойилига риоя этмаган ички ишлар раҳбарлари ва ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш;

ички ишлар органларида геральдика фаолиятини мувофиқлаштириш, тизим бўйича тайёрланаётган барча турдаги фарқловчи белгилар (рамзлар)нинг асослигини ўрганиш ва келишиш, идоравий кўкрак нишонларни таъсис этиш бўйича ишларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия билан ҳамкорликни амалга ошириш;

(Давоми 8-бетда).





(Давоми. Бошланishi 7-бетда).

е) ички ишлар органларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар, жисмоний ва психологик тайёргарлигини таъминлаш, тизимда мусобақаларни ўтказиш орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзоларида спортга бўлган қизиқишни ошириш соҳасида:

жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий шакл ва усулларида мос равишда шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлигини ошириб боришини ташкил этиш ва назорат қилиш;

шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлиги бўйича машғулотларнинг доимий равишда самарали ўтказилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ички ишлар органларида ходимларнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлиги борасида олиб борилаётган ишларни назорат қилиш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш, соҳа самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда чора-тадбирларни белгилаш;

шахсий таркибнинг хизмат, жисмоний, жанговар ва психологик тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича даврий синовлар ўтказиш ҳамда бу борада марказлаштирилган рейтинг тизимини юритиш;

шахсий таркибга малака тоифаларини бериш борасидаги ишларни ташкил этиш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ички ишлар органларидаги хизматга номзодларни қабул қилиш юзасидан жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар методикасини ишлаб чиқиш ва ўтказилишини таъминлаш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш ва мувофиқлаштириш;

шахсий таркибнинг ички ишлар органлари тизимида, республика, шунингдек, халқаро миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш;

шахсий таркибнинг жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этилишини оммалаштириш чора-тадбирларини белгилаш;

ички ишлар органлари шахсий таркибининг ўқотар қуроллардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириб бориш мақсадида табель ва спорт қуролларидан ўқ отиш мусобақаларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби билан саф тайёргарлиги машғулотларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

идоровий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчилари, шунингдек, хизматга қабул қилинган ходимлар билан ўқув-дала машғулотлари ўтказилишини ташкил этиш;

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва хизматга номзодлар ўртасида тест синовлари ўтказилишини таъминлаш, натижаларини таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш;

ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини таъминлаш соҳасида ҳудудий, маҳаллий ва тармоқ ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

аҳоли ўртасида мусобақалар ўтказиш орқали спортга қизиқишни ошириш чораларини белгилаш;

ж) ички ишлар органлари шахсий таркиби ва унинг оила аъзоларини

ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, соғлиги муҳофаза қилинишини ва малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш соҳасида:

ички ишлар органлари шахсий таркиби ва унинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш;

ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларидан фойдаланиш борасидаги барча хизматлар «ягона дарча» тамойили асосида фақат «E-ijtimoiy himoya.iiv.uz» ягона интерактив хизматлар портали орқали адолатлилик билан кўрсатилишини, электрон навбат ошқора юритилишини таъминлаш;

ички ишлар органлари шахсий таркибига таътилар берилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркибининг ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятига оид ҳисоботларни юритиш ва мониторинг қилиш;

ички ишлар органлари шахсий таркибининг соғлигини муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

ИИВ тиббиёт муассасалари томонидан шахсий таркиб ва унинг оила аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш, назорат қилиш ва мониторингини ўрнатиш;

шахсий таркиб ўртасида турли сурункали касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш юзасидан даврий тиббий кўриklar ўтказилишини назорат қилиш;

антропометрик кўрсаткичлари бўйича семизликнинг турли даражалари бўйича ортиқча вазнга эга ходимлар билан даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш ва мониторинг қилиш;

з) ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, фаолият шакллари ва усуллари янада такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

ИИВ фаолиятини жорий ва истиқболли режалаштиришда, кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ривожланишининг асосий йўналишлари ва концепцияларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳолати тўғрисида, ижтимоий ҳимояни таъминлашнинг муаммоли масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларнинг амалда бажарилишини тизимли таҳлил қилиш, уларнинг самарали амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлашнинг шакл ва усуллари янада такомиллаштириш, бошқарувни ташкил этишнинг замонавий усуллари, илғор илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасига доир қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

топшириқларининг тўлиқ ва самарали ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли камчиликларни аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, муносабат билдириш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан хулосалар тайёрлаш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳаси бўйича халқаро тажриба ва хорижий қонунчиликни доимий ўрганиш, ўрганиш натижаларини Ўзбекистон Республикаси шароитларида жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлашдаги долзарб масалалар бўйича семинарлар, давра суҳбатлари, конференциялар, симпозиумлар ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш; геральдика масалалари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш, шунингдек, мукофотлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Департамент қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 3-боб. Департаментнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуйидаги **ҳуқуқларга эга:**

ваколатига қирадиган масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа муассасаларнинг базалари (шу жумладан, электрон базалари)дан ахборот, статистик ва бошқа материалларни сўраш ҳамда олиш;

бошқарув қарорларни қабул қилиш, ахборот-таҳлиллар ва ҳисобот маълумотларини тайёрлаш учун ички ишлар органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмаларидан зарур бўлган ҳужжатларни (уларнинг нусхаларини), маълумотлар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, ИИВ ҳайъатида ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилиши учун ахборот-таҳлиллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда ИИВ тегишли соҳавий хизматларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси юзасидан зарур бўлган маълумотларни олиш;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича ички ишлар органлари ходимлари иш юритувидаги материаллар ва уларга нисбатан ўтказилган ёки ўтказилаётган хизмат текширувлари материаллари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ички ишлар органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички ишлар органлари ходимлари ва хизматга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш учун тегишли

соҳавий хизматлардан зарур маълумотларни талаб қилиб олиш;

ички ишлар органларига соҳага оид бажарилиши мажбурий бўлган бошқарув қарорлари ва топшириқлар бериш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифларни киритиш;

ички ишлар органларида қонунийлик ва хизмат интизомига риоя этилиши ҳолатини текшириш, ходимларнинг формали кийим бошини белгиланган тартибда кийиб юришлари, хизмат автотранспорт воситаларини бошқаришда белгиланган меъёрларга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида республика ҳудудида патруль-текширувларини олиб бориш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

давлат ва идоровий мукофотларга муносиб номзодларни аниқлаш ва уларни мукофотлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига таклифлар киритиш;

мукофотлаш ишларига масъулиятсизлик билан ёндашган, номзодларни тақдим этишда ҳолислик тамойилига риоя этмаган ички ишлар раҳбарлари ва ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифлар киритиш.

Департамент қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Департамент қуйидаги **мажбуриятларга эга:**

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий, кадрлар сиёсатини амалга ошириш, таълимни ташкил этиш, жисмоний ва жанговар тайёргарлик, тиббий хизмат кўрсатишда қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик принципларига амал қилиш;

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш, шахсий таркиб ўртасида қонунийлик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари музейлари, кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг фондини бойитиш, шахсий таркиб ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш чораларини кўриш;

шахсий таркибни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни психологик таъминлаш чораларини кўриш;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақидаги зарур маълумотларни тайёрлаш ва ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

Департамент қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Департамент ўзига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

### 4-боб. Департамент фаолиятини ташкил этиш

11. Департаментга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари – маънавий-маърифий

(Давоми 9-бетда).





(Давоми. Бошланиши 8-бетда).

ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи (кейинги ўринларда – Департамент бошлиғи) раҳбарлик қилади.

12. Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга эга.

**13. Департамент бошлиғи:**

Департамент ишини ташкил этади ва фаолиятига раҳбарлик қилади;

Департаментга юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Ўз ўринбосарлари ва Департаментнинг мустақил бошқарма (бўлим) бошлиқларининг функционал мажбуриятларини белгилайди, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

Департаментнинг иш режалари ва ходимларнинг функционал мажбуриятларини тасдиқлайди;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари, идоровий тиббиёт, соғломлаштириш ва таълим муассасалари фаолиятини бевосита, шунингдек, тегишли равишда ўз ўринбосарлари орқали назорат қилади;

кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорлигини таъминлаш масалалари бўйича буйруқ ва фармойишлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига киритади;

Департамент ходимларига, шунингдек, ИИВ ихтиёрида қолдирилган ходимларга белгиланган тартибда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари беради;

Департамент ходимларини хизматсафарларга юборади;

ИИВнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятига оид масалаларни ўрганиш ва текширувлар ўтказилишини ташкил қилади;

текширувлар ва уларнинг натижалари бўйича таклифлар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий, услубий, ахборот-таҳлил ҳужжатларини тайёрлашга ўрнатилган тартибда ИИВнинг таркибий ва ҳудудий тузилмалари ходимларини сафарбар этади;

давлат ҳокимияти органларида, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасаларда Департамент ваколатига қирадиган масалалар бўйича ИИВ номидан иш кўради;

ходимларни ваколати доирасида махсус ва ҳарбий унвонларга тавсия этади, мукофотлайди, интизомий жазолар қўллайди;

кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини бевосита ва ўз ўринбосарлари орқали назорат қилади;

маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш соҳасида ички ишлар органларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилади;

Ўз ваколати доирасида тааллуқли масалаларда буйруқ ва фармойишлар қабул қилади;

ички ишлар органларига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва бошқа лавозимга ўтказишни таъминлайди ва ташкил этади;

Ўз ваколати доирасида ИИВ марказий аппаратининг ишчи ва хизматчиларини ишга, бўлим бошлиғигача бўлган ходим ва ҳарбий хизматчиларни сафдорлар, сержантлар ҳамда офицерлар таркиби лавозимларига хизматга қабул қилади, лавозимга тайинлайди ва ички ишлар органларидан бўшатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлигини, шунингдек, содир этилган қонун бузилиши ҳолати ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

соҳа фаолиятига тааллуқли республика комиссиялари ва кенгашларига раислик қилади ва Департаментнинг бошқа комиссиялари ишини назорат қилади;

ички ишлар органлари тизимидаги мактабгача таълим ташкилотлари

ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ходимларнинг фарзандларини жойлаштириш учун йўланмалар бериш фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

**14. Департамент бошлиғи Департаментга юклатилган қуйидаги асосий вазифаларни самарали амалга оширилишини ташкил этади ҳамда шахсан назорат қилади:**

ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепциясини амалиётга узлуксиз татбиқ этиш;

ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

ходимлар ўртасида маънавий-тарбиявий тадбирларни олиб бориш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва мукофотлашга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш;

ходимларнинг хизмат ўташларини ташкиллаштириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг захирасини шакллантириш ҳамда кадрлар таркиби сифатини яхшилаш;

ходимларнинг хизмат ўташларини қайд қилиш ҳамда махсус ва ҳарбий унвонлар бериш;

ИИВнинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш, фаолиятга оид ҳисоботларни юритиш ҳамда таҳлил қилиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, ходимларнинг касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, соғлигини сақлаш;

идоровий таълим, спорт-соғломлаштириш ва тиббиёт муассасаларининг самарали фаолиятини ташкил этиш.

**15. Департамент бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қуйидагилар тўғрисида таклифлар киритади:**

ходимларни интизомий жазолаш, идоровий мукофотлар билан тақдирлаш, шунингдек, уларни давлат мукофотларига тақдим этиш;

ички ишлар органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари, ишчи ва хизматчиларининг чекланган сонига ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ўзгартириш киритиш;

ички ишлар органлари таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига ва штатлар сонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Ўз ўринбосарлари, Департамент таркибий ва ҳудудий бўлинмалари бошлиқларини, шунингдек, ходимларни ИИВ номенклатураси (рўйхати) га кирувчи лавозимларга тайинлаш ва озод этиш, шунингдек, ички ишлар органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи ходим ва ҳарбий хизматчиларни

ички ишлар органларидан бўшатиш; ички ишлар органлари фаолиятини яхшилаш ҳамда бевосита зиммасига юклатилган вазифаларни самарали ташкил этиш, соҳада ислохотларни амалга ошириш.

16. Департамент хизматлари бошлиқлари:

жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабулини амалга оширади, шикоят, ариза ва таклифларни кўриб чиқади, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлигини, шунингдек, ходимлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

раҳбарлик қилаётган хизматнинг ишини ташкил этади, шахсий таркибининг хизмат ва меҳнат интизомига риоя этишини таъминлайди, иш режаларини тасдиқлайди;

хизмат бошлиғи ўринбосарларининг функционал мажбуриятларини белгилайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўз ваколати доирасида кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича шарҳ ва методик тавсиялар чиқаради, шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма лойиҳаларини Департамент бошлиғига киритади;

раҳбарлик қилаётган хизматда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва лавозимга ўтказиш, хизмат сафарларига юбориш масалалари бўйича Департамент бошлиғига таклиф киритади;

раҳбарлик қилаётган хизмат ходимларига махсус унвонлар бериш, рағбатлантириш, шу жумладан, мукофотлаш ҳамда уларга интизомий жазолар қўллаш тўғрисида Департамент бошлиғига тақдимномалар киритади;

раҳбарлик қилаётган хизмат ходимларига таътил беради;

Ўзига бўйсунувчи кадрлар билан ишлаш бўлинмалари фаолияти устидан бевосита ва ўз ўринбосарлари орқали назоратни амалга оширади, шунингдек, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини эшитади;

Департамент бошлиғининг топшириғига биноан давлат, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг расмий тадбирларида иштирок этади;

Департаментда ўрнатилган тартибда сафарбарлик тайёргарлигини ташкил этади, шунингдек, фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

Департаментда махфийлик тартиботига риоя этилиши, шу жумладан,

ахборотларни техник ҳимоялаш бўйича тадбирларнинг ташкил этилиши учун жавоб беради;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Департамент бошлиғи бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

**18. Қуйидагилар:**

а) Департамент бошлиғининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Департаментнинг таркибий бўлинмалари ва унга бевосита бўйсунувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари – маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқлари;

б) тегишлича ИИВ Департаментлари, ҳарбий тузилмалари, таълим, ўқув ва тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари Департамент бошлиғининг қўшма тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

тегишлича ИИВ Департаментлари, кўмондонлик, таълим, ўқув ва тиббиёт муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари раҳбарлари;

в) тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар органлари раҳбарлари Департамент бошлиғининг қўшма тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туман ва шаҳарлар ички ишлар органлари раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари;

г) Департамент бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Департаментнинг ходимлари;

д) Департамент билан келишилган ҳолда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизматлари таркибидаги бўлинмалар раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари – маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиқларининг мукофотлаш масалалари ва кадрлар тайёрлаш бўйича ёрдамчилари.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар**

19. Департамент фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

20. Иш юритиш ва махфийлик тартиботини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича чора-тадбирлар Департамент томонидан белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

21. Кадрлар билан ишлаш бўлинмаларини қурол-аслаҳа ва бошқа моддий-техника воситалари билан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.



**Юксак мукофот соҳиблари**

Ҳарбий хизматдан қайтган Давронбек Мадраҳимов вилоят ИИБ ЖТСБ ППХ батальони оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш бўйича махсус отряд кинолози ва зифасига хизматга қабул қилинди. У дастлабки кунларданок хизмат ва зифасига ўзгача иштиёқ билан ёндашди. Жамоат тартибини сақлаш, жиноятларни «иссиқ изида» фош этишда фаоллик кўрсатди.

Ўн олти йиллик самарали хизмат қаҳрамонимизни соҳанинг тажрибали ходими сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди. Бошқарма раҳбарияти катта тажриба ва маҳоратга эга бўлган кичик сержант Давронбек Мадраҳимовни ППХ батальони 2-отряд бўлинма командири лавозимига ўтказди. У зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажаришга интилни. Ай-

ниқса, жиноятларни фош этишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб, раҳбариятнинг эътиборини, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди.

...Ҳаво ҳарорати анча совуқ. Шунга қарамай, Урганч шаҳар марказий деҳқон бозори одамлар билан гавжум. Кундалик рўзгор харажатлари учун бозорга келган Дурдибой Нунёзов ул-бул харид қилгач, сумкаларини кўтариб уйига қайтишга ҳозирланди. Шу пайт ён чўнтагидан нимадир олингандай бўлди. У дарҳол чўнтагига қўл солди. Уяли алоқа телефони йўқ эди. Шошилганча ён-атрофига қаради. Аммо шубҳали ҳеч ким кўринмади.

Дурдибой дарҳол бозор ҳудудида хизмат ва зифасини ўтаётган кичик сержант Давронбек Мадраҳимовга вазиятни тушунтирди. Ҳодиса тафсилоти билан

**АҲДИГА СОДИҚ  
КОМАНДИР**

танишган бўлинма командири дарҳол ҳамкасби билан бозор ҳудудидан чиқувчи йўлларни кузатувга олди. Кўп ўтмай, одамлар орасида безовталанганча шошиб келаётган фуқаро пайдо бўлди. Кичик сержантни кўрган ҳалиги кимса тезда ўзини ён томондаги одамлар орасига урди. Давронбек зудлик билан бозорнинг жануб томонидан чиқувчи йўлакка етиб келди ва кузатувни давом эттирди. Аммо шубҳали

кимса негадир кўринмади. Давронбек бозор ҳудудидаги курилиши тугалланмаган бинолар томон юрди. Шу пайт рўпарадаги бино ичка-рисидан бояги йигит отилиб чиқди-да, қоча бошлади. Аммо узоққа кета олмади. Давронбек Мадраҳимов чаққонлик билан ҳаракат қилиб, уни қўлга олди.

– Кичик сержант Давронбек Мадраҳимов фидойи ходимларимиздан бири, – дейди ППХ батальони командирининг ўринбосари, майор Алижон Давлатов. – У раҳбарият томонидан берилган ҳар бир топшириқни ўз вақтида, аниқ ва сифатли бажаришга ҳаракат қилади. Айниқса, ёш ходимларнинг касбий кўникмасини шакллантиришда унинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Лавҳамиз қаҳрамони хизмат фаолияти давомида

12 та жиноятни фош этишда шахсан фаоллик кўрсатган. Қидирувдаги 2 нафар шахсни қўлга олишга эришган. Шунингдек, профилактик тадбирлар давомида кўча ва жамоат жойларида шубҳа остига олинган ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган фуқаролардан 37 нафарини наркология диспансерига, 16 нафарини эса аниқ яшаш жойига эга бўлмагани учун реабилитация марказига жойлаштирилган.

Фидойилик рағбатсиз, эътирофсиз қолмайди. Кичик сержант Давронбек Мадраҳимовнинг юртимиз тинчлиги, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги фидокорона хизматлари ҳам бесамар кетмади: у Ватан ҳимоячилари куни арафасида Президентимиз фармони мувофиқ, давлатимизнинг юксак мукофоти – «Шухрат» медали билан тақдирланди.

**Худойберган  
ЖАББОРОВ,  
«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

**Маданий ҳордиқ****АДОЛАТ ФАСЛИ**

Ўзбек миллий академик драма театрида ИИБ Марказий аппарати ходимлари учун буюк бобокалонимиз Амир Темур ва унинг давлат бошқаруви ҳақида ҳикоя қилувчи Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим қаламига мансуб «Адолат фасли» номли спектакль намоиш этилди. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Тўраев ҳамда Асқар Холмўминов томонидан саҳналаштирилган ушбу спектаклда бош ролни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ижро этди.

Соҳибқирон салтанатининг ғарбий ҳудудлари бўйича ноиб, шаҳ-

зода Мироншоҳ Мирзони ўзига тегишли ҳудудда тартибсизликларни авж олдирилганлиги, адолатсизликка йўл қўйгани учун ўлимга ҳукм этиб, сўнгра амалдорлари ва яқинларининг маслаҳатига кўра қатлни бекор қилади. Саҳна асарига ана шу тарихий воқеа акс этган.

Амир Темур ҳаётининг биргина шу кичик лавҳаси орқали ҳар қандай юрт адолат билан барқарор эканлиги, халқнинг тинчлиги ва осойишталиги, мамлакатнинг ривожланиши ҳам айни шу омил билан узвий боғлиқ экани кўрсатиб ўтилди. Тарихий манбаларда бу ҳолатдан тўғри хулоса чиқарган Мироншоҳ Мирзо кейинчалик ўзининг садоқати ва жангу жадаллардаги жасорати билан отасининг ҳурматида эришгани қайд этилади.

**Ўз мухбиримиз.**

**Муносабат**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тизимда сифатли кадрлар билан таъминлаш имконини беради.**

**ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА  
АЙЛАНТИРИЛАДИ**

Мазкур қарор ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжихатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллалар, аҳоли турар жойлари ҳамда бутун юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашни ўз ичига олади.

Қарорда ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланиб, унда ходимларни «Инсон қадрини учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларига эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш каби улуғвор мақсадлар кўзда тутилган.

Шунингдек, долзарб вазифалар қаторида ички ишлар органларида инсон омилини истисно



этиш ва коррупцион ҳолатларнинг барвақт олдини олиш мақсадида тизимни рақамлаштириш, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш мақсадида «Smart reytng», ходимлар билан ишлашни ташкил этишда «E-XID» электрон ахборот тизимини жорий қилиш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

**Фарҳод АБДУЛЛАЕВ,  
Сергели тумани ИИОФМБ  
Кадрлар билан таъминлаш  
гурухи катта инспектори,  
майор.**



Награжденные Родиной

# «СЛУЖИТЬ С ЕЩЕ БОЛЬШЕЙ САМООТДАЧЕЙ»



**Командир группы специального отряда МВД Республики Узбекистан по Самаркандской области подполковник Анвар Джалилов в честь 31-й годовщины образования Вооруженных Сил Узбекистана и Дня защитников Родины был удостоен медали «Жасорат».**



ной в Каганском районе Бухарской области, где в 2008 году произошло возгорание, повлекшее пожар и детонацию находящихся на складе боеприпасов.

Рассказывая о службе, А. Джалилов скромно умалчивает о личных заслугах, искренне считая, что ничего особенного не совершал – просто вместе с товарищами выполнил служебные обязанности.

Каждый день он вместе с группой выезжает на объекты культурного наследия, места скопления туристов и горожан и проводит проверку на наличие взрывчатых веществ. Если что-либо вызывает подозрение, то находку, с соблюдением мер безопасности, вывозят для уничтожения на специальный полигон.

Анвар Джалилов любит свою работу, несмотря на то,

что она опасная, и подходит к ее выполнению со всей ответственностью.

Дома подполковника ждет любящая жена и трое сыновей, которые гордятся мужественным отцом.

– Старший сын хочет служить Родине. Я счастлив от того, что он желает пойти по моим стопам. Очень благодарен супруге. Она поддерживает меня, понимает опасность профессии, переживает, ведь на службе всякое случается. Благодарен руководству страны и министерства за столь высокую оценку моего труда. Считаю эту награду результатом работы всех коллег. Обязуюсь служить с еще большей самоотдачей, – подчеркнул подполковник А. Джалилов.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.  
Самаркандская область.

Отклик

## Высокая ответственность

Кодекс профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел, утвержденный постановлением Президента страны, несомненно, будет способствовать дальнейшему укреплению у сотрудников чувства высокой ответственности за порученное дело, искреннему осознанию своего профессионального долга перед Родиной и народом. Отныне неукоснительное соблюдение правил и требований, определенных в Кодексе, станет основным критерием оценки эффективности служебной деятельности и служебной дисциплины каждого сотрудника.



Документом утверждены меры по повышению уровня кадрового потенциала ОВД. Это возлагает особые задачи на образовательные учреждения системы МВД, осуществляющие подготовку стражей порядка, способных надежно стоять на страже интересов граждан, самоотверженно нести службу по защите их прав и свобод, обеспечению верховенства закона. Данное приоритетное направление предусматривает поднятие на качественно новый уровень учебно-воспитательного процесса, повышение действенности проводимой духовно-просветительской работы посредством ее системной и непрерывной организации.

**Рустам РАШИТХОДЖАЕВ,**  
директор Ташкентского академического лицея № 1 МВД Республики Узбекистан,  
подполковник.

Грани мастерства

# ПРЕДАННОСТЬ ПРОФЕССИИ

Умиджон Салиев посвятил жизнь службе в органах внутренних дел и нисколько об этом не жалеет. После окончания Андижанского инженерно-экономического института и срочной службы в рядах Вооруженных Сил он был принят на должность начальника канцелярии Управления профилактики правонарушений УВД Андижанской области. Дальнейшая его служба была вплотную связана с дежурными частями Андижанского ГОВД и УВД Андижанской области.



В настоящее время подполковник У. Салиев является начальником отдела по организации дежурных служб Организационного управления УВД Андижанской области. Без малого двадцать лет отдал подполковник данной службе, хотя ему не раз предлагали перейти в другое подразделение.

– В органах внутренних дел бытует фраза: «Театр начинается с вешалки, а ОВД – с дежурной части». Это первое подразделение, с которым сталкиваются граждане при обращении в органы внутренних дел, – говорит Умиджон Салиев. – Хотя в последнее время многое изменилось, появилась служба «102», принимающая заявления граждан, дежурные части ОВД до сих пор не утратили актуальности. Сотрудники этого подразделения в круглосуточном режиме занимаются приемом, обобщением информации, анализом и незамедлительным реагированием на меняющуюся оперативную обстановку.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.

Андижанская область.



## Ma'naviyat va ma'rifat darsi

ALISHER NAVOIY ASARLARIDA  
VATANPARVARLIK VA INSONPARVARLIK G'UYALARI

**Alisher Navoiy turli xalq va millat vakillarini chin dildan sevgan, hurmat qilgan. Shu bois uning barcha asarlarida turli xalq, din, millat va elat vakillari qahramon darajasiga ko'tarilgan. Masalan, Farhod xitoylik bo'lsa, Shirin armani, Layli va Majnun arab, Bahrom fors, Iskandar yunon millatiga mansub edi.**

Buyuk mutafakkir, g'azal mulkining sultoni Alisher Navoiy ijodida vatanparvarlik va insonparvarlik, xalqlar, millatlar o'rtasidagi do'stlik va hamkorlik mavzulari asosiy o'rinini egallaydi. Shoir jahon xalqlariga murojaat etib, ularni bir-biriga ko'makdosh, yelkadosh, hamkor va do'st bo'lishga chaqiradi:

**Olam ahli bilingizkim,  
ish emas dushmanlig',  
Yor o'lung bir-biringizganim  
erur yorlig' ish.**

Navoiy insonning qanchalik buyuk xilqat ekani, uning sha'ni, obro'-e'tibori hamisha ustun turishi lozimligini e'tirof etgan. Tarixiy manbalarda buyuk mutafakkir o'zga yurtlardan panoh so'rab kelganlarga boshpana bergani, o'z hisobidan karvonsaroylar, xonaqohlar, maktab va madrasalar, shifoxonalar va muruvvat uylari barpo etgani yozib qoldirilgan.

Shuningdek, u mamlakatda qonun ustuvorligini ta'minlash, o'z hamyurtlarining huquq va manfaatlarini himoyalashga ham alohida e'tibor qaratgan. «Iligimdin kelgan-cha, zulm tig'in ushotib, mazlum jarohatig'a intixol malhamin qo'ydim» deyiladi uning «Vaqfiya» asarida.

Zotan, 1469-yilda Xuroson taxti Husayn Boyqaro ixtiyoriga o'tganidan so'ng, mamlakatda adolat o'rnatish, mahalliy amaldorlarning xalqqa nisbatan nohaqliklarini bartaraf etib, xalqning noroziligini to'xtatishda, aybdorlarni topib jazolashda ham Navoiyning xizmatlari katta bo'lgan edi. «Mahbul-qulub» asarida bitilganidek, «mushukka rioyat kabutarg'a ofatdur. Ya'ni, zolimga erk berish o'jizlar uchun musibatdan boshqa narsa emas».

Mir Alisher Navoiy muhrdor, «amiri kabir» (bosh vazir), Astrobod hokimi lavozimlarida ishlagan paytlarida ham, adolat va insoniylik yo'lidan borib, mamlakatda tinchlik, osoyishtalik, farovonlikni ta'minlashga hissa qo'shdi.

Shu bilan birga, ulug' mutafakkir adolatsizlik, jabr-zulm keng qanot yoygan, inson sha'ni, haq-huquqlari toptalgan joyda rivojlanish taraqqiyot bo'lmasligini ham ta'kidlab o'tgan:

**To hirs-u havas xirmani  
barbod o'lmas,  
To nafs-u havo qasri  
baraftod o'lmas,  
To zulm-u sitam jonig'a  
bedod o'lmas,  
El shod o'lmas,  
mamlakat obod o'lmas.**

Ya'ni, yurtda ochko'zlik, badnafslik, tamagirlik, adolatsizlik barham topmas ekan, xalq farovonligi, odamlarning roziligi, mamlakat obodligini ta'minlab bo'lmaydi.

Navoiy mualliflik huquqiga ham e'tibor qaratgan. Jumladan, «Majolisun-nafois» tazkirasida Hirot shoirlari haqida so'z yuritib, boshqalarning she'rini o'zining ijod mahsuli sifatida o'qib yurgan Anisiy taxallusli bir shoirni tanqid ostiga olgan.

Bir rivoyatga ko'ra, buyuk shoir yoshligida darveshdan eshitib, yodida qolgan quyidagi bir baytdan o'z g'azalida foydalanish uchun uni topib, uy-joy, maosh, ish bilan ta'minlagan ekan. Mana o'sha bayt:

**Ko'kragimdur subhning  
pirohanidin chokroq,  
Kiprigim shabnam  
to'kilgan sabzadin nam-  
nokroq...**

Buyuk Navoiyning bebaho merosi va sharafli hayot yo'li yillar o'tsada, zamon va makon sarhadlari osha ezgulik, adolat va insonparvarlik yo'lidagi muhim dasturilamal bo'lib kelayotir.

Shoir insonning ulug'ligi, shu bilan birga, vatanparvarlik, xalqsevarlik g'oyalarini ilgari surgan. Uning «Vatan tarkini bir nafas aylama», degan baytlari ham bevosita Vatanni sevish, uni asrash, obod qilish shavqi bilan yashashga da'vat etadi.

Navoiyning abadiyatga daxldor merosi, betakror asarlari nafaqat o'zbek, balki butun bashariyatning bebaho ma'naviy xazinasiga aylangan rost. Bugungi kunda ul zotning umrboqiy asarlari dunyoning o'nlab tillariga tarjima qilingan. Bu asarlardagi ezgulik, insonparvarlik, vatanparvarlik g'oyalari, sadoqat, imon-e'tiqod tarannumi butun insoniyatni birlikka, hamjihatlikka da'vat etib kelayotir.

Gohida Navoiy asarlarini mutolaa qilish asnosida uning betimsol zakosi, idroki, uzoqni ko'ra bilishini his etib, cheksiz hayrat girdobiga tushasiz. Nazarimizda, ul zot yuksak darajada taraqqiy etgan zamonamiz-



ning o'ziga xos jihatlarini, hatto muammolarni besh yarim asr ilgari teran nigoh bilan ko'ra olgandek.

Alisher Navoiy nainki o'z asarlari, balki ezgu amallari bilan ham el-ulusga ibrat ko'rsatgani tarixiy manbalarda o'z aksini topgan. Ul zot yozganlarki:

**Fil bo'lsa, agar hasming,  
desangki, zarar topmay,  
Bir pashshaga olamda  
yetkazma zarar hargiz.**

Ya'ni, dushmaning fil bo'lsa ham, ziyon ko'rmaslikni istasang, bu olamda pashshaga ham zarar yetkazmagin.

Atrofga teranroq nazar solaylik. Har kuni o'nlab begunoh insonlar maqsadsiz urush va nizolar, ziddiyatlar, harbiy harakatlarning qurboni bo'layotir. Navoiy bobomizning asrlar osha yashab kelayotgan shoh satrlari uyg'oq ruhning yangroq faryodidek jaranglaydi:

Uning naqadar vatanparvar bo'lgani, el-yurt manfaatini har doim o'z manfaatidan ustun qo'yganliklari ortiqcha e'tirofqa muhtoj emas.

**Menga qilsa yuz jafu,  
bir qatla faryod aylamon,  
Elga qilsa bir jafu,  
yuz qatla faryod aylaram.**

Ushbu baytda ham soflik, samimiyat va vatanparvarlik yaqqol ufurib turibdi.

Bugun biz ilm-fan, texnika, axborot texnologiyalari yuksak darajada rivojlangan bir davrda yashayapmiz. Bu zamon har birimizdan ma'naviyatimiz, milliy qiyofamiz, qadriyatlarimizni turli yot ta'sirlardan himoyalash, xususan, yoshlarimizning ongini turli illatlardan asrash, ularni Vatanga sadoqat, milliy va umumbashariy qadriyatlarga sadoqat ruhida tarbiyalashni taqozo etadi.

Navoiy asarlarining yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularning yorug' kelajagini ta'minlashdagi o'rni va ahamiyati tobora ortib borayotir. Bu asarlarda ilgari surilgan sharqona odob-axloq, ibo va hayo, or-nomus, mardlik va jasorat, Vatanga sadoqat, ota-onaga hurmat, mehr-u muhabbat g'oyalari bizning zamonamizda ham dolzarbligicha qolmoqda.

Shoir butun olam aslida insoniyat bilan go'zal ekanini, shu bois bu sayyoraning har a'zosi imkon qadar uni obod etishi, buzg'unchilik bilan emas, bunyodkorlik, yaratuvchanlik bilan uning farovonligini, osoyishtaligini ta'minlashi lozim:

**To bani Odam ila olam erur,  
Olam ichinda bani Odam erur.  
Adl ila olam yuzin obod qil,  
Xulq ila olam elini shod qil.**

Alisher Navoiy o'zining oltmish yillik umri davomida manguikka daxldor ishlarni amalga oshirdi. O'lmas asarlar, dilbar she'rlar bitdi. Ona tilimizning shuhratini, beqiyos go'zalligi va nafosatini yaqqol namoyon etdi. Umri davomida el-yurt g'ami, quvonch va tashvishlari bilan yashadi. Butun insoniyatni o'zidan yaxshi nom qoldirishga da'vat etdi:

**Bu olam ichraki,  
yo'qdur baqo gulig'a sabot,  
Ajab saodat erur,  
qolsa yaxshilik bila ot.**

Vaqt hamma narsadan ustun, u hech kimga bo'ysunmaydi. Zamonlar, davr-u davronlar o'taveradi. Lekin Alisher Navoiydek buyuk ajdodlarimiz yaratib qoldirgan bebaho ma'naviy xazinalar asrlar suroniga bardosh berib, yanada sayqal topib, qadr-qimmatini oshib boraveradi. Biz esa Navoiy bobomizning nomi bilan gina faxrlanib qolmasdan, ana shu xazinadan bahramand bo'lib yashamog'imiz kerak. Navoiyni faqatgina bayramlarda, tavallud ayyomlarida emas, har kuni, har lahzada qalbmizda, ruhimizda yashatmog'imiz zarur.

**Rustam JABBOROV,  
filologiya fanlari bo'yicha  
falsafa doktori.**



Отклик

## БУДЕМ ПРОДОЛЖАТЬ СОВЕРШЕНСТВОВАТЬСЯ!

До личного состава Центрального госпиталя, лечебно-профилактических учреждений МВД Республики Узбекистан доведены суть и содержание постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением».



Подчеркнуто, что постановлением утверждена «Дорожная карта», предусматривающая комплекс мер, в том числе по развитию лечебной и оздоровительной инфраструктуры ОВД в 2023–2024 годах. Это создание госпиталей, рассчитанных на 40 коек, в структуре медицинских отделов управлений внутренних дел Навоийской и Сурхандарьинской областей, межобластного реабилитационного центра, рассчитанного на 60 коек, с отделениями реабилитации и пульмонологии на территории оздоровительного лагеря УВД Джизакской области, расположенного в Зааминском районе.

Реализация данных положений позволит снизить нагрузку на существующие учреждения здравоохранения, еще более повысить качество медицинских услуг, оказываемых правоохранителям.

Постоянное развитие ведомственного здравоохранения при всемерной поддержке руководства страны, дальнейшее укрепление материально-технической базы и кадрового потенциала, нацеленность на повышение доступности и качества медицинских услуг позволяют с оптимизмом оценивать перспективы службы. Наш личный состав с еще большей самоотдачей, проявляя высокий профессионализм, будет выполнять ответственные задачи, направленные на сохранение и укрепление здоровья сотрудников, ветеранов сферы и членов их семей.

**Хашим УСМАНОВ,**  
начальник Центрального госпиталя МВД  
Республики Узбекистан,  
полковник.

Интересы человека – превыше всего

## ПРОБЛЕМЫ РЕШАЮТСЯ ОПЕРАТИВНО

Из-за сильных морозов в ряде районов столицы возникли проблемы с газо- и электроснабжением. К их решению подключились органы внутренних дел. Сформированы рабочие группы, в состав которых вошли ответственные работники МВД, ГУВД г. Ташкента, руководители секторов, работники электросетей и других ведомств.

В штабе рабочей группы, сформированной в Яшнабадском районе, специалисты разделились на несколько групп и обеспечивают круглосуточное обслуживание.

Помимо непосредственного обращения, граждане могут оставлять свои заявки через колл-центр или социальные сети. Сотрудники, привлеченные администрацией района, работают в две смены. Обращения, поступающие в диспетчерскую, тщательно изучаются, принимаются меры к их решению.

– В районе созданы 10 групп, в состав которых входят сотрудники ОВД, работники РЭС, представители ответственных служб. К работе также дополнитель-



но привлечены 22 инженера, – говорит начальник отдела УКД ОВД Яшнабадского района подполковник Дилмурод Розиев. – Каждая поступившая заявка – в центре внимания. На сегодняшний день поступило более 210 обращений, из них 164 решены на местах, 48 – оперативно рассматриваются.

В рабочие группы включены и медицинские работники МВД, которые навещают малообеспеченные семьи, одиноких пожилых людей и инвалидов. Граждане, проживающие в районе, выражают благодарность врачам за их работу.

Министерство обороны поставило в махаллях Ширинабад и Джарбоши военные палатки, чтобы люди могли прийти и согреться. Готовится горячая еда и раздаётся жителям.

Рабочие группы решают поставленные перед ними задачи по устранению перебоев в поставке электроэнергии, другие коммунальные и социальные проблемы в усиленном режиме.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА.**



### Республика Каракалпакстан

## ЧЕМ ЖИВУТ НАШИ ДЕТИ?

Воспитание ребенка – ответственный процесс. Человеческое дитя нужно растить бережно, как саженец. К сожалению, так думают далеко не все родители. Озабоченные финансовыми проблемами, работой, они часто забывают о своих чадах, и те в результате оказываются под чуждым негативным влиянием.

... Несовершеннолетние жители Нукуса Аскар Ниязов, Зарипбай Инамов и Ботир Сипатдинов (имена и фамилии изменены) большую часть свободного времени проводили в компьютерных клубах, спуская на игры деньги, которые им давали родители. Вскоре им стало не хватать средств, и подростки решили найти их на стороне, иными словами – своровать.

Друзья выехали в Ходжейлийский район, надеясь, что там их никто не узнает, и присмотрели один продуктовый магазин. Дождались позднего вечера, взломали дверь, вынесли из ларька два миллиона сумов, ноутбук, спортивный велосипед, продукты питания, напитки и скрылись с места происшествия.

Следующим вечером они отправились в тот же район и украли из магазина, принадлежащего предпринимателю Х. К., 1 млн сумов, ноутбук, дорогостоящий мобильный телефон и различные напитки. Краденые вещи были проданы, а деньги использованы на личные нужды.

Сотрудники органов внутренних дел уже начали расследование, а

воришки об этом даже не подозревали.

Деньги у «героев» закончились, и они наметили следующий объект. Из магазина, принадлежащего частному предпринимателю З. Д., друзья вынесли музыкальный усилитель звука, дорожную сумку, напитки и продукты питания. При продаже краденых вещей они были задержаны.

В ходе следствия несовершеннолетние сознались, что способы воровства им «подсказали» компьютерные игры.

Суд, рассмотрев уголовное дело, назначил наказание в виде ограничения свободы с учетом их несовершеннолетия, искреннего раскаяния в содеянном, полного возмещения ущерба предпринимателям и принесенных извинений.

Хочется отметить, что ничего этого не произошло бы, если бы родители интересовались жизнью детей, знали, где они находятся, с кем проводят время, разговаривали по душам. Дети – наше будущее, давайте помнить об этом.

**Нурлибек ТАДЖИМУРАТОВ,**  
подполковник.





Урок духовности и просвещения

# ИДЕИ ПАТРИОТИЗМА И ГУМАНИЗМА В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

**Воспитание молодежи в духе патриотизма – одно из основных направлений политики нашего государства. В этом благородном деле важно опираться на опыт, мысли и идеи великих предков – философов, мыслителей, брать с них пример, изучать их творчество. Кладезем мудрости и светочем ума был беззаветно любящий Родину Алишер Навои.**

Навои был передовым человеком, его взгляды и творчество являлись необычайно прогрессивными. Он высоко ценил человеческий разум, науку. «Знания и мудрость – украшение человека», – говорил он. Известный исследователь творчества поэта В. М. Жирмунский писал: «Навои... выступает перед нами как всесторонне развитая и цельная личность, объединяющая в своем универсализме науку и искусство, философскую теорию и общественную практику».

**Как истинный гуманист, в своих произведениях он уделял внимание вопросам воспитания и обучения, формирования личности ребенка. «Ребенку, – писал Навои, – с малых лет необходимо дать правильное воспитание, сообразуясь с возрастом, а к изучению наук надо приступать как можно раньше. Овладение науками и ремеслами должны быть полезны народу, ибо тот, кто получил знания и не сумел их применить, похож на крестьянина, вспахавшего поле, но не засеявшего его».**

Находясь на высоких должностях, он оказывал помощь ученым, художникам, музыкантам, поэтам, каллиграфам, руководил строительством медресе, больниц, мостов. Вот как описал поэта Айбек:

**Он защитник людей от зла,  
И улыбка его светла,  
Сила юности, чувств родник  
Не иссякнет в нем ни на миг.  
Он умеет беречь казну,  
Чтоб счастливой сделать страну.  
Дать ей воду, науке – кров  
И больницы для бедняков.  
Много дел у него, забот,  
В мыслях только одно – народ...**

*Низомиддин Мир Алишер Навои родился 9 февраля 1441 года. Отец, Гиёсиддин Кичкина, был чиновником в государстве Темуридов. Дом, в котором рос будущий поэт и государственный деятель, посещали видные представители философской мысли и искусства того времени. Один его дядя, Мир Саид, был поэтом; второй, Мухаммад Али, – музыкантом и каллиграфом. С юных лет Алишер воспитывался с детьми темуридских семей, особенно дружил с Хусайном Бойкаро, впоследствии главой Хорасанского государства. Уже к 15 годам Навои стал известен как поэт, слагающий стихи на двух языках: тюркском и фарси. Учился в Герате, Мешхеде и Самарканде. В 1469 году стал хранителем печати при правителе Хорасана. В 1472 году был назначен визирем и получил титул эмира.*

ничего общего с национальной ограниченностью.

Интерпретируя одну из важнейших проблем человечества – свободу личности, Алишер Навои исходил из того, что: человек должен быть свободным как в общественном, так и в политическом аспектах; чуждое идеологическое давление или бессознательное подчинение массовой культуре лишает человека свободы;

оставил ровно столько, «сколько достаточно одному человеку на одежду и питание».

«Не могут люди вечно быть живыми, но счастлив тот, чье помненье будет имя», – писал Навои. Трудно найти в нашей стране человека, который бы не знал и не любил творчество великого узбекского поэта. Еще при жизни его называли «Хазрат», что в переводе означает «Святейший». Навои первым начал творить на простом народном языке, восторгался богатством, выразительностью, меткостью тюркского языка. Этот язык в его произведениях льется свободно и звонко, как прозрачный родник. И сегодня, спустя века, новые поколения на его произведениях учатся любви к родному языку и Отчизне, духовности и нравственности. Ученые всего мира продолжают постигать литературное и философское наследие поэта.

Наш народ свято чтит память великого предка. Его именем названы город, публичная библиотека в Ташкенте, улицы, театры, парки в городах и селах страны, в его честь воздвигнуты памятники в различных городах мира.

Навои прилагал много усилий для претворения в жизнь своего убеждения, что нужно служить во благо народа. В его произведениях прослеживается идея об умном и справедливом правителе, способном построить процветающее общество. Во многом благодаря и с участием Алишера Навои, Хорасан во второй половине XV в. становится развитым государством.

В центре внимания поэта – вопросы защиты Родины. Он по личному опыту знал, что уговорами, словами, проповедью нельзя «сломить меч насилия». Врага можно победить только в открытой борьбе. Нет другого способа защиты Отечества от разорения, нападения чужеземцев, которые «готовы слизать, как саранча, всю зелень и всю землю в дальних краях». Патриотизм, с точки зрения Навои, – естественное для человека чувство, оно не имеет



путь к гармонично развитой личности лежит через стремление к духовному очищению, избавлению от всех отрицательных качеств только своими усилиями.

Важнейшими заповедями Алишера Навои были гуманизм и человеколюбие. «Ты спрашиваешь, кто самый лучший человек? Я тебе отвечу, и ты отвергни все сомненья. Самым лучшим человеком является тот, кто наибольшую пользу приносит народу», – одно из высказываний пророка Мухаммада, переведенных Навои на родной язык и переложенных в поэтической форме. Он личным примером доказывал правильность высказываемых идей. Все свое состояние Алишер Навои, второе лицо в государстве, уже в середине жизни отдал в пользу людей. Себе

**В Узбекистане ежегодно проводятся мероприятия, посвященные памяти Алишера Навои, призывавшего молодое поколение стремиться к совершенству, осваивать знания, приобретать к национальным и общечеловеческим ценностям, неустанно развиваться, любить родной язык, гордиться своими истоками и традициями, быть достойными Отчизны.**

**Светлый образ выдающегося гуманиста, просветителя, патриота и борца за справедливость Алишера Навои будет вечно жить в памяти поколений, потому что он ясно понимал, что высочайший смысл жизни – в служении народу.**

**Азиза БОХОДИРОВА,**  
капитан.





Сайёр қабул

## МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ИШОНЧЛИ ВОСИТАСИ

Сирдарё

**Инсон қалби – но-зик туйғулар макони. Унга фақатгина меҳр, эътибор, самимий муносабат, яхши сўз билангина йўл топиш мумкин. Бир неча йиллардан бери Президентимиз ташаббусига кўра, маҳаллаларда ўтказилаётган сайёр қабуллар, юзма-юз мулоқотлар жараёнида кўрсатилган эътибор, меҳр орқали минглаб инсонлар кўнглини шод этиш, уларнинг дуосини олиш имконияти яратилди. Эътиборлиси, бу ишларда учинчи сектор мутасаддиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.**

Ўтган йили Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғи, учинчи сектор раҳбари томонидан маҳаллаларда ўтказилган сайёр қабул давомида фуқароларнинг кўплаб муаммолари ижобий ҳал этилди.

Сайёр қабуллар давомида «Темир дафтар»га киритилган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни моддий, руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш сектор раҳбарининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинган. Охири чорак давомида ана шундай 8 та оилага уй-жойини таъмирлаш учун 45 миллион сўм миқдорда ҳомийлик маблағи ажратилди ва янги йил арафасида саккизта хонадон обод бўлди.

«Аёллар дафтари»да турган 15 нафар хотин-қизнинг олий таълими учун 107 миллион сўм контракт пуллари тўлаб берилди. Умуман «Ёшлар дафтари»га

киритилганларнинг ўқиши учун тўлаб берилган контракт пуллари миқдори эса 225 миллион сўмдан ошади.

Аёллар бандлигини таъминлаш, соғлиғини сақлаш масалалари ечимига алоҳида ёндашиб келинмоқда. Ноябрь-декабрь ойларида жами 22 нафар ишсиз аёлнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 154 миллион сўмлик субсидия ажратиб берилди. Ушбу маблағга йигирмадан ортиқ аёллар оилавий шароитда кичик ишлаб чиқариш бизнесини йўлга қўйди. Шу билан бирга, 12 нафар аёлга давлат ва хусусий клиникаларда даволаниши учун маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлик ҳисобидан жами 32 миллион сўмлик дори-дармон ва даволаниш харажатлари қоплаб берилди.

Аҳоли томонидан қилинадиган муурожаатларнинг аксариятини йўлларни обод қилиш, сув, газ, электр масалалари ташкил этиши ҳам бор гап. Ана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида ўтган йилнинг охири чорагида жами 4,1 км шағал қопламаси ётқизилди. Таъмирталаб 17 та сув иншооти қайта таъмирланиб, 7,7 км узунликда янги сув қувурлари ётқизилди. 9,9 км масофага янгидан электр сим узатгичлари тортилиб, 5 та трансформатор ўрнатилди.

**Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,**  
«Postda» мухбири.



Муносабат

## КАДРЛАРНИ ТАНЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ички ишлар органларига қабул қилинганлар учун дастлабки синов муддати бир йил этиб белгиланганлиги кадрлар билан таъминлаш йўналишида хизмат қиладиган ходимлар учун айна муддао бўлди, десам, муболаға бўлмайди.

Чунки шу кунга қадар ички ишлар органларига янги қабул қилинган ходимларга синов муддати уч ой эди. Бу эса янги қабул қилинган ходимларнинг тизимга тўлиқ мослашиши ҳамда мураббийларидан билим ва кўникмаларни ўрганиши учун оз муддатлиги, натижада малакали профессионал кадрларнинг шаклланиш кўрсаткичи юқори бўлмаслигига олиб келарди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор биз – кадрлар билан таъминлаш гуруҳи ходимларига хизматга янги қабул қилинган ёш ходимлар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб боришга, келажакда тизимда сифатли кадрлар салмоғини янада оширишимизга имкон беради.

**Ойбек ХАЛОҚОВ,**  
Пешку тумани ИИБ  
Кадрлар билан таъминлаш  
гуруҳи катта инспектори,  
катта лейтенант.

Жинойт муҳокамаси

## САРХУШЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТИ

Қашқадарё

**Муборак тумани «Қорақум» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 6-ўрта умумтаълим мактабида бир жиноят муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят Ички ишлар бошқармаси, туман Ички ишлар бўлими раҳбар ходимлари, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.**

Муҳокама йиғилиши аввалида вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Жасурбек Отаев сўзга чиқиб, оғир тан жароҳати етказиш билан боғлиқ мазкур жиноятнинг келиб



чиқиш сабаблари, унинг содир этилишига имкон яратиб берган омилларни атрофлича таҳлил этди.

Маълум бўлишича, тумандаги ғишт заводида ёлланма ишчи бўлиб ишлаган тўрт нафар фуқаро овқатланиш учун «Қора-

қум» маҳалласида жойлашган чойхонага келиб, спиртли ичимлик истеъмол қилади. Орадан кўп вақт ўтмай, улардан бири ва чойхона эгаси ўртасида келишмовчилик келиб чиқади. Сармаст хўранда деразани уриб синдиргач эса, чойхона эгаси

ҳам жаҳл отига минади ҳамда унга оғир тан жароҳати етказди. Оқибатда хўранда дунёдан кўз юмади.

Ичкиликбозлик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Аксинча, оғир ва аянчли оқибатлар билан ниҳоя топган. Бу гал ҳам, афсуски, шундай бўлди.

Жиноят муҳокамасида ичкиликбозлик дейилмиш иллат қаттиқ қораланди. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ҳамда ҳудудга бириктирилган профилактика инспекторининг фаолияти танқид қилинди. Бу борадаги профилактик ишларни жонлантириш, келгусида бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**  
«Postda» мухбири.



✓ *Служба пробации*

## СДЕЛАТЬ ПРАВИЛЬНЫЙ ВЫБОР

**За последние годы в республике кардинально пересмотрены механизмы исполнения уголовных наказаний, не связанных с лишением свободы, повышена эффективность контроля за поведением условно осужденных и лиц, условно-досрочно освобожденных от наказания.**

Жителю города Ахангарана Шохруху М. 22 года. За совершение кражи приговорен к 4 годам и одному месяцу ограничения свободы. В настоящее время он является подучетным службы пробации.

– Глубоко сожалею, что совершил необдуманный шаг, за который несу ответственность, – делится молодой человек. – Подвел семью – родителей, братьев и сестренку... Сделаю все, чтобы честным трудом вернуть их доверие.



– Это один из 270 подучетных, с которыми по решению суда проводим работу в рамках системы надзорных и социально-воспитательных мер, – говорит старший инспектор группы пробации ОВД города Ахангарана Ташкентской области старший лейтенант Абдураим Анарбаев. – Задача – содействовать социальной адаптации лиц, осужденных к наказанию, не

связанному с лишением свободы, предупреждать рецидивность преступлений.

Группа пробации выполняет свои функции в контакте с хокимиятом, махаллинскими сходами граждан, соответствующими государственными органами и организациями.

– В минувшем году совместными усилиями во взаимодействии

с Центром содействия занятости населения трудоустроили 140 поднадзорных лиц, – отмечает старший лейтенант А. Анарбаев. – Регулярно проводим ярмарки вакансий. Большую помощь оказывают такие организации, как «Ohangaron armatura zavodi», «Hamkor savdo», межгородское предприятие по оказанию бытовых услуг.

К сожалению, не все, кто состоит на учете группы пробации, сделали правильные выводы.

– В течение минувшего года 18 осужденным, умышленно уклоняющимся от выполнения возложенных на них требований и ограничений, в соответствии с внесудебными представлениями неотбытые сроки были заменены лишением свободы, – отмечает старший лейтенант А. Анарбаев. – Институт пробации нацелен на формирование в сознании осужденных уважительного отношения к нормам социального общежития, законопослушного поведения.

**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент «На посту».  
Ташкентская область.

✓ *Женщины в погонах*

## ПОМОЧЬ ТЕМ, КТО ОТЧАЯЛСЯ

**В жизни каждого из нас рано или поздно появляется человек, который меняет судьбу на 180 градусов. Таким человеком для старшего инспектора по вопросам женщин ОВД № 2 УВД ОВД Сергелийского района столицы майора Муборак Азизовой стала ее свекровь, Фатима Умировна.**


Родители мужа работали в органах внутренних дел в звании старшего сержанта: свекровь – в ИВС, а свекор – в дорожно-патрульной службе. Так сложилось, что дети не смогли продолжить семейную традицию. Когда Фатима Умировна предложила невестке сменить профессию, та согласилась...

На территории ответственности майора М. Азизовой расположены 11 махаллей. Если в семьях возникает недопонимание, она разбирает все по полочкам, старается найти корни проблемы. Установив виновника, выясняет, что вынудило его

пойти на крайние меры. Так Муборак Гайратовна спасла от разводов немало семей. Помогали ей в этом председатели МСГ «Согдиана» и «Курувчилар». Они работают сплоченно, сообща решают все вопросы.

...28-летняя Нозима работала кассиром в дошкольной образовательной организации, была исполнительной, вежливой, жалоб на нее не поступало. И вдруг в бухгалтерии выявили крупное хищение, в котором была замешана молодая кассирша.

Отсидев положенный срок, девушка вышла на свободу. Она долго



не могла найти работу. Нозима понимала, что совершила ошибку, все осознала и никогда больше не пошла бы на преступление. Но разве объяснишь это людям, которые показывали на нее пальцем, шушукались за спиной. Девушка бралась за любую работу, но денег не хватало. И тут на помощь пришла Муборак Гайратовна. Нозиму внесли в списки жителей,

нуждающихся в помощи, включили в «молодежную тетрадь». После этого у нее началась новая жизнь. Девушка поступила в институт, ей помогли оплатить контракт за учебу. Через некоторое время она вышла замуж. Сейчас учится на четвертом курсе. Нозима благодарна старшему инспектору за поддержку – только она поверила, что девушка раскаялась и встала на честный путь.

Трое детей Муборак Гайратовны похожи на маму, такие же энергичные и целеустремленные. Старшая дочь, Мафтуна, увлекается аналитической математикой, девятилетний сын, Даврон, твердо решил стать летчиком, а семилетняя дочка, Камиллахон, занимается гимнастикой.

Каждый дает миру то, чем наполнена его душа. Муборак Азизова дарит всем свою любовь и доброту, потому что знает, что только так можно помочь тем, кто отчаялся и потерял веру в справедливость.

**Бибигуль МУРТАЗАЕВА.**







## ХОДИМЛАРНИНГ ЭНГ ЯҚИН ДЎСТИ

– Бўлинмамиз тасарруфида Шарқий Европа, Бельгия ва немис овчаркалари, лабрадор ва рус спаниел зотиға мансуб 72 та хизмат ити мавжуд. Улар асосан из қидирув, портловчи моддалар ва гиёҳванд моддаларни қидириб топиш, антитеррор ҳамда қўриқлаш йўналишларига ўргатилган. Ўтган йили кинологлар хизмат итлари билан 762 марта воқеа жойига чиқиб, 191 та жиноятнинг очилишига ҳисса қўшишди. Бундан ташқари, 3227,84 грамм гиёҳванд модда ҳам хизмат итлари ёрдамида аниқланди, – дейди Кинология бўлинмаси бошлиғи, майор Бахтиёржон Мирзашев.

Фарғона вилояти ИИБ ЖТСБ Кинология бўлинмаси хизмат итлари питомнигидаги махсус майдонда ўнлаб ходимлар ўзларига бириктирилган хизмат итлари билан машғул ўтказишмоқда. Ҳайрон қолдиргани шуки, итларнинг бирортаси бизга эътибор ҳам бермади. Гўё уларга олдидан айтиб қўйилгандек, топшириқларни бажариш билан банд. Илгари итларга буйруқ рус тилида берилган бўлса, эндиликда ўзбекча топшириқлар берилётгани қувонарли. «Ташла!», «Тўхта!», «Сакра!», «Топ!», «Изла!» сингари буйруғу хитобларни тушунган ақли жониворлар абжирлик ва тезкорлик билан ҳаракат қилишяпти.

Бугунги кунда бўлинма Миллий гвардия бошқармаси билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ходимларнинг касбий маҳорати ва жанговар шайлигини ошириш, хизмат итлари

билан ишлаш кўникмаларини яхшилаш борасида ҳамкорликда назарий ва амалий ўқув машғулоти мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

– Хизмат итлари ходимларимизнинг энг яқин дўстига айланган, – дейди кичик инструктор-кинолог, сафдор Илҳомжон Аббосов. – Улар бизни, биз уларни жуда яхши тушунамиз. Ўтказиётган машғулотишимиз айнан шундай кўникмаларни шакллантириб боради. Шу боис хизмат жараёнида, тезкор тадбирларда асло қийналмаймиз.

Бўлинмада кўплаб моҳир кинологлар фаолият кўрсатмоқда. Улар эришаётган



Кинология бўлинмаси инструктор-кинологи, сафдор Дилшод Маҳкамов эса «Байкал» лақабли хизмат ити билан «Транспорт воситаларидан портловчи моддаларни аниқлаш» машқи бўйича биринчи, тўсиқларни енгиб ўтиш машқи бўйича учинчи ўрин соҳибига айланди. Бўлинма кичик инструктор-кинологи, сафдор Умиджон Усмонов хизмат ити билан биатлон машқи бўйича биринчи, из-қидирув йўналиши машқи бўйича иккинчи ўринни банд этди.

**Абдусит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Фарғона вилояти.

ютуқлар ҳам салмоқли. Масалан, ўтган йили ноябрь ойида Жиззах вилоятида кинология хизмати ходимлари ўртасида ўтказилган кўпкураш мусобақасида биринчи минтақавий ҳудуд мувофиқлаштириш мар-

кази 1-кинология гуруҳи кичик инспектор-кинологи, сафдор Муҳаммадали Мўминов «Нала» лақабли хизмат ити билан умумий курс йўналиши бўйича биринчи, шахсий биринчиликда учинчи ўринни эгаллади.

## БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Бу ерга қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар келтирилади. Тўлиқсиз оилада ўсаётганларни ҳам учратасиз бу ерда. Турмуш ташвишларини эрта тотишга мажбур бўлгани учун улар ҳаёт ҳақида тенгдошларидан кўпроқ билишади. Меҳрсизлик, ўз холига ташлаб қўйиш оқибатида адашганлар, хусусан, жиноят кўчасига кириб қолганлар ҳам йўқ эмас.**

Ана шу сабаб ва омиллар уларни Жиззах вилояти ИИБ ҲПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига етаклаган. Муассасада болаларнинг тенгдошлари каби яшаши, таълим олиши учун ҳамма шароитлар бор. Вояга етмаганлар кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланади. Шунингдек, уларга Жиззах шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчилари мунтазам дарс ўтадилар.

Ҳар тонг бадантарбия билан шуғулланишади, ҳамшира кунда тиббий кўриқдан ўтказилади. Тушдан сўнг спорт машғулоти



лари уюштирилади, сайрга ҳам чиқади. Кейин уй вазибалари

тайёрланади. Кутубхонада китоб ўқиш, спорт залида баскетбол ёки футбол ўйнаш, энгил атлетика билан шуғулланиш мумкин. Кечкурун ёшларига мос кўрсатувлар томоша қилишади. Болаларнинг оилада ва кўчада турли босимларга учрагани

инobatга олиниб, уларга психологик ёрдам ҳам кўрсатилади. Қисқаси, соат 7:00 дан 22:00 гача бўлган вақт оралиғида вояга етмаганларнинг вақтини мазмунли ташкил этиш таъминланган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, марказда вояга етмаганлар 48 соатдан 45 кунгача қолиши мумкин. Бу даврда болаларнинг яшаш манзили аниқлаштирилади,

оиласи ўрганилади, жоиз бўлса, уларни яқинларига топшириш чоралари кўрилади.

– Жорий – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йилида муассасамиз ўрнида янги марказ барпо этиш режалаштирилган, – дейди марказ бошлиғи, подполковник Азамат Ўринбоев. – Бу иш амалга ошса, вояга етмаганларни сақлаш сифими ортиб, болаларнинг яшаши ва таълим олиши учун янада қулай шароитлар яратилади. Шунингдек, бир қанча турдаги касб ва ҳунарларни эгаллаш имконияти яратилади.

Ўтган йили 25 ўринли марказга назоратсиз юрган 781 нафар бола жойлаштирилган. Улардан 737 нафари оиласи ёки яқинлари бағрига қайтарилди. Қолганлари ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Жиззах вилояти.







Фахрийлар – фахримиз

## ШИЖОАТИ ЁШЛАРГА ИБРАТ

Ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник Абдуваҳоб Мирзақулов ҳаётининг салмоқли қисмини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга бағишлаган. Шу соҳада бой тажриба тўплаб, устоз даражасига етган.

**А. Мирзақулов 1978 йилда Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаб, Ички ишлар вазирлигининг йўлланмаси билан Наманган вилоятида иш бошлаган. Кейинчалик, 1985 йилдан Фарғона вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида фаолиятини давом эттирди.**

Соҳага оид билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида 1989–1994 йилларда ИИБ Академиясида ҳам таҳсил олди. Фарғона вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизли-

ги бошқармасида турли вазифаларда хизмат қилди. Фаолиятининг сўнгги йилларида эса бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи лавозимларида фаолият кўрсатди. 2005 йилда шогирдлар эҳтиромида пенсияга чиқди.

Бугун унинг касбини ўғли – катта сержант Сардорбек Мирзақулов муносиб давом эттирмоқда. У Фарғона тумани ИИБ Навбатчилик қисмида фаолият кўрсатади.

**Абдуваҳоб Мирзақуловнинг соҳадаги кўп йиллик хизматлари муносиб эътироф**



**этилди. 2021 йилда «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди. 2022 йил «Нуроний» жамғармаси васийлик кен-**

**гашининг қарори билан II даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони берилди.**

Абдуваҳоб Мирзақулов айни пайтда Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ Фахрийлар кенгашининг раиси

сифатида фахрийлар ҳаракатини жонлантириб, тизимда ишлаётган ёшларга ўз билганларини баҳоли қудрат ўргатиб келмоқда.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Фарғона вилояти.

## ОТАМ – МАСЛАҚДОШИМ, дейди лейтенант Баҳодир Қутлиев

Бахтиёр Қутлиев қарийб 30 йил ички ишлар органлари соҳасида самарали хизмат қилди. У 2017 йилда Навоий вилояти ИИБ Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимидан подполковник унвонида пенсияга чиқди. Лекин шундан кейин ҳам тиниб ўтиргани йўқ. Бир неча йил маъмурий ишлар бўйича Навбахор туман судида судья бўлиб ишлади. Ҳозирда эса навоийликларга адвокатлик хизмати кўрсатмоқда.

тор-психологи лавозимида фаолият юритмоқда.

Оилавий келишмовчиликлар ҳамда отасининг ичкиликка муккасидан кетганлиги туфайли ота-онаси ажрашишганида, Умрзоқ (исмлари ўзгартирилди) ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган эди. Кўп ўтмай онаси бошқа кишига турмушга чиқди. Бу инсон Умрзоқни ўз фарзандидай қабул қилди. Оилада бирин-кетин икки қиз туғилди. Улар тотув ва ҳамжиҳатликда яшашарди.

Умрзоқ 15 ёшга тўлганида танишларидан отаси ўғайлигини эшитиб қолди. Шундан сўнг ўзини ғалати тута бошлади. Отаси билан келишмай, салга аразлайдиган бўлди. Бора-бора оиладаги вазият кескин тус олди, у уйдан қочиб кетадиган одат чикарди. Икки мартаба лейтенант Баҳодир Қутлиев уни топиб, уйига қайтарди. Аммо охириги гал анча пайт дом-дараксиз кетди. Ҳатто қидирув ҳам эълон қилинди.

Баҳодир 20 кундан кейин вилоят ИИБ ЖХХ ҚПБ Вояга етмаганларга ижти-

мой-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган боладан Умрзоқнинг хабарини эшитди. Шунча кун бола кўча-кўйда яшаб юрган экан. Уни Ғалаба шоҳқўчасидан топди. Баҳодир Умрзоқни дастлаб мазкур Марказга жойлаштирди. У билан дилдан суҳбатлашди. Тушкунликдан чиқиши учун кўп босқичли тренинглари ташкил этди. Ўғай отаси билан ёлғиз учрашувлар уюштирди. Шундан сўнг ўсмирнинг руҳий аҳволи яхшиланди. У бир ойлик синов давридани кейин оиласига қайтди. Ҳозир ота-боланинг муносабатлари яхши. Бунинг учун Умрзоқнинг ота-онаси лейтенант Баҳодир Қутлиевдан миннатдор.

– Ўсмирларнинг ўтиш давридаги руҳияти анча мураккаб бўлади. Тарбияси оғир болалар билан ишлашда қийинчиликларга дуч келганимда отамдан йўл-йўриқ сўраб, тавсияларига амал қиламан. Касбим юзасидан беминнат маслаҳатдошим борлиги учун Аллоҳга шукур, – дейди лейтенант Баҳодир Қутлиев.

**Маҳлиё ХОЛОВА,**  
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.



Ёшлар – келажак бунёдкори

Аксар ўғил болаларга ўхшаб Баҳодир ҳам отасига ҳавас қилиб вояга етди. У айнан Бахтиёр ака истеъфога чиққан йили ИИБ Академияси курсантлари сафига қўшилди. Назаримизда, бу тасодифда ҳам ўзига хос маъжозий маъно бордек.

Отасининг изидан бориб, унинг ишини давом эттираётган лейтенант Баҳодир Қутлиев 2021 йилдан буён Навоий шаҳар ИИБ ЖХХ ҚПБ вояга етмаганлар масалалари бўйича инспек-







Есть такая служба

## ПАТРУЛЬНЫЕ ВСЕГДА НА ЧЕКУ

**Сотрудники ППС день и ночь несут службу на улицах наших городов, обеспечивая правопорядок и безопасность граждан.**

Пеший наряд в составе рядовых Дилшоода Обиджонова и Шерзода Позилова совершал обход вверенной территории. Их внимание привлек молодой человек, который при виде стражей порядка постарался затеряться в толпе, но бдительные сотрудни-

ки задержали подозрительного парня. Им оказался житель областного центра тридцатилетний А. Шукрулло. В ходе личного досмотра в присутствии понятых стала понятна причина его приткности. В кармане брюк была обнаружена свернутая в



Пеший наряд ППС в составе старшего сержанта Сардора Абдуразакова и рядового Хусанбая Нематжоннова по время несения службы в центральном парке города Андижана.



В дежурной части батальона ППС службу несут инспектор-дежурный старший сержант Мухаммадали Хурсанов и его помощник рядовой Мирзохид Турсунов.

кулек 1000-сумовая купюра, в которой находилось вещество, похожее на наркотик. Экспертиза подтвердила подозрение патрульных – это была готова к употреблению марихуана весом 1,32 грамма.

Командир 5-го отряда батальона ППС майор Элдор Ахмедов и его заместитель капитан Рустамжон Каюмов, участвуя в мероприятиях, проводимых в рамках программы «Безопасный город», задержали находящегося в розыске за совершенные преступления жителя города Андижана А. Убайдулло. Задержанный был передан в соответствующие службы для проведения оперативно-следственных мероприятий.

С начала текущего года сотрудники батальона ППС УООП УВД Андижанской области по горячим следам раскрыли ряд преступлений, среди которых кражи, незаконный оборот наркотиков, разбойное нападение. Каждые сутки на охрану общественного порядка в областном центре направляются 43 автопатруля, 28 пеших нарядов, несущих службу в три смены.

Представители батальона принимают активное участие в проводимых УВД Андижанской области соревнованиях и конкурсах, становятся победителями и призерами.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».  
Андижанская область.



«Заковат»



■ Навоийская область

**Сегодня от каждого сотрудника органов внутренних дел требуются не только отличная физическая подготовка, но и высокий уровень знаний, широкий кругозор.**



На днях состоялась игра «Заковат», в которой свои способности, знания, смекалку показали сотрудники органов внутренних дел Навоийской области.

В бескомпромиссной борьбе команда УВД Навоийской области заняла 1-е место, команда УБДД СОБ УВД стала второй, а знатоки батальона ППС взяли «бронзу».

Победители и призеры награждены дипломами и ценными подарками.

**Соб. корр.**

## ДОВЕДЕНА СУТЬ УКАЗА

■ Наманганская область

**В УВД Наманганской области проведена пресс-конференция, посвященная сути и содержанию постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением». В ней приняли участие ответственные сотрудники, представители СМИ и общественности.**



Заместитель начальника службы духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения УВД Наманганской области подполковник Нажмиддин Халилов, заместитель начальника по вопросам женщин подполковник Махлиё Убайдуллаева, главный инспектор отдела духовно-просветительской работы

подполковник Файзулло Хакимов, начальник отдела профессиональной подготовки УВД области подполковник Нуриддин Рахимов подробно рассказали присутствующим о важности принятого документа.

**Гулчехра БУВАМИРЗАЕВА,**  
корреспондент «Postda».







Хизматларда

## ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ,

дейди профилактика инспектори,  
катта лейтенант Сафармурод Қиличов

Ўтган йили Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 22-саммити олдида Самарқанд шаҳрининг инфратузилмаси тўлиқ янгиланди. «Қўшамғали» МФЙ ҳудудидан ўтувчи Уста Умар Жўракулов кўчаси ҳамда унинг атрофидаги тураржой ва бошқа объектлар ҳам миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида янгидан бунёд этилди. Капитал таъмирдан чиқарилган ҚВП аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Айтганча, туризмга мослаштирилаётган ушбу ҳудуднинг профилактика инспектори, катта лейтенант Сафармурод Қиличов ҳам маҳалла аҳлининг яқин инсонига айланиб улгурган.



– Маҳалламиз Самарқанд шаҳрига жуда яқин ҳудудда жойлашган, – дейди Самарқанд тумани «Қўшамғали» МФЙ раиси Хайрулло Узоқов. – Аҳоли асосан деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланади. Эндиликда уларнинг фаолият кўлами янада кенгайиб бормоқда. Маҳалламизнинг профилактика инспектори, катта лейтенант Сафармурод Қиличов ёш бўлса-да, мулоҳазакор йигит, муаммолар ечимини топишда шошилмайди. Ҳаммасини ўрганиб, маҳалла фаоллари, нурунийлар билан муҳокама қилиб, кенгашиб, кейин муҳим хулосага келади. Жумладан, ўтган йилнинг бошида дафтарларга киритилганларни манзилли ўрганиб чиқаётганимизда, уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги жўяли фикрлари қўл келди. Тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Натижада ишсизлар ишли бўлди, муқим ишлаш шароити бўлмаган хотин-қизларга эса турли техникалар берилди. Тил ўрганишга қизиқиши бор ёшлар тўғаракларда бепул ўқитилмоқда. Ҳуқуқий маслаҳат зарур бўлган фуқароларимизга мунтазам тегишли тартибда ёрдам берилмоқда.

– Ушбу ҳудуддан Тошкент–Термиз автомобиль йўли ўтган, – дейди профилактика инспектори Сафармурод Қиличов. – Йўл устидаги 3 та нон бозорига кунига маҳаллий аҳолидан ташқари, ўртача мингга яқин юртдошларимиз келиб-кетади. Шунингдек, ҳудуднинг бир қисми Самарқанд туризм маркази – Боқий шаҳарга туташган. Бу эса, ўз навбатида,

жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда ниҳоятда эътиборли бўлиш, масъулият билан ишлашни тақозо этади. Ўтган йилда жиноятчиликни жиловлаш борасида олиб борган ишларимиз самараси ўлароқ, аввалги йилларга нисбатан кўрсаткичлар сезиларли даражада пасайишига эришдик. Аммо бу кўнгилда хотиржамлик эмас, балки жиноятларнинг олдини олишдек қатъий мақсад билан ишлаш керак, деган талабни кучайтирмоқда. Чунки қадим ва навқирон юртимиздаги эврилишлар дунё нигоҳида турганда, бизнинг хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ.

Эзгу мақсад, аниқ режа, иштиёқ ва ҳаракат бўлса, кўзланган чўққилар ҳам ўзи сен томонга яқинлашади, дейишади аҳли донишлар. Катта лейтенант Сафармурод Қиличовнинг маҳалла ёшлар етакчиси билан ўқувчи-ёшларга ҳуқуқий тушунчалар бериш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган салбий ҳолатларни улар билан биргаликда муҳокама этиш, профилактик ишлар олиб бориш билан чекланмай, ўзига бириктирилган ҳудудда футбол, волейбол, кураш каби спорт мусобақаларининг бевосита ташаббускори эканлигини билгач, юқоридаги сингари мағзи тўқ фикрлар ҳаётий ҳақиқатлар асосида тилимизга кўчишига яна бир бор амин бўлдик.

Гулноза ТУРФУНБОЕВА,  
«Postda» мухбири.

Самарқанд вилояти.

## Қорақалпоғистон Республикаси

### ҚАРОР МАЗМУН-МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛДИ

Жорий йилнинг 24 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, подполковник Ф.Эшимбетов Элликқалъа туманида бўлиб, туман ИИБнинг бир гуруҳ ходимлари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти-



нинг 2023 йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти шахсий таркиб аъзолари ва соҳа вакилларига тушунтирилди.

Ўз мухбиримиз.



Ёшлар – келажак бунёдкори

Тошкент вилоятининг Паркент тумани «Файзобод» маҳалласига хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, катта лейтенант Шаҳзод Абдусамадхўжаев ҳудуд осовишталиги йўлида туну кун хизмат қилиб келмоқда.

## ЭЛ ХИЗМАТИДА



Ёш бўлишига қарамасдан, зиммасидаги вазифаларни ўз вақтида муваффақиятли адо этиб келаётган катта лейтенант Ш.Абдусамадхўжаев ўтган йил якунига кўра, вилоят миқёсида «Энг яхши профилактика инспектори» деб топилди.

Айни пайтда маҳаллада 2400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги аҳоли гавжум жойларга, ижтимоий объектларга видеокузатув камералари ўрнатилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу, албатта, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда қўл келмоқда.

– Катта лейтенант Шаҳзод Абдусамадхўжаев ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ҳудуддаги нотинч оилалар, муқаддам судланганлар ҳамда спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб бориляпти,

– дейди маҳалла оқсоқоли Омил Ўроқов. – Бундай чора-тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда.

Яқинда маҳалладаги хонадонларнинг бирида яшовчи ака-ука ўртасида ер таллашиш ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликнинг олди олинди. Шубҳасиз, бунда профилактика инспектори катта саъй-ҳаракат кўрсатди.

– Ҳозирги қаҳратон қиш кунларида аҳолига кўпроқ кўмакчи бўлишга, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга маҳалла мутасаддилари билан биргаликда ҳаракат қиляпмиз, – дейди профилактика инспектори. – Ўрганишларимиз давомида ҳудуд аҳли томонидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалар ҳам фаолиятимизни тизимли ташкил этишда қўл келяпти.

Михли САФАРОВ,  
«Postda» мухбири.







Аёл ва жамият

## ОИЛАЛАР ТЎКИС БЎЛСИН

■ Наманган

Поп туманида ўтган йили 204 нафар хотин-қиз тазйиқ ва зўравонликка учрагани аниқланди. Уларнинг барчасига ҳимоя ордерлари берилиб, қатъий назоратга олинди. Бундан ташқари, ажрим ёқасига келиб қолган 344 та оила яраштирилди.



Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар хусусида Поп тумани ХПБ ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, лейтенант Шоҳсанам Сатторова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Тазйиқ ва зўравонликка учраган, профилактик ҳисобда турган ва жиноят содир этган хотин-қизлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этдик. Уларнинг 41 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди, 115 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига йўналтирилди.

«Оила-турмуш» доирасида низоли оилалар рўйхатида турувчи «Қандиғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аёл И.А. туман ИИБга мурожаат қилди. Ўрганишларимиз натижасида 2020 йилдан буён турмуш ўртоғи С.Ш. билан низолашиб келаётгани, бир йилдан буён бирга яшамаса-да, эри унга руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиб келаётгани аниқланди. Аёлга ҳимоя ордерлари берилди, турмуш ўртоғига эса қилмишлари оқибатлари тушунтирилди.

Ҳимоя ордерлари олаётган хотин-қизларнинг аксариятида муаммоларни енгишда тажриба камлик қиляпти. Ширинсўзлик, хушмуомалалик кўпинча вазиятни яхши томонга буриб юбориши мумкин. Ҳимоя ордерлари олганлар билан суҳбатлашганимизда, бу ҳақда уларга тушунтиряпмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аралашувимиз билан кўплаб оилалар тикланмоқда, фарзандларнинг отасиз ёки онасиз қолишининг олди олиниб, низолаб ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Аёлнинг оилада ўрни, қадр-қиммати бўлса, соғлом муҳит юзага келади. Шу маънода, зиммамизга хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга яқиндан кўмак беришдек катта масъулият юкланган. Онанинг камситилиши болалар қалбини жароҳатлайди. Ёки ота ҳурмат қилинмаган оилада мард ўғиллар етишиб чиқмайди. Шундай экан, жамиятда соғлом оилаларни шакллантириш барчамизнинг бурчимиздир.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,  
«Postda» мухбири.



Йўл бошида

## ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

■ Қорақалпоғистон Республикаси

Фарзанд тарбияси – ўта масъулиятли иш. Негаки, ўсиб келаётган ниҳолнинг катта дарахт бўлиши учун парвариш зарур бўлганидек, комил инсонлар бўлиб вояга етиши учун ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни қаровсиз, эътиборсиз қолдирмаслик зарур.

Афсуски, барча ҳам бу масалага жиддий ёндашмайди. Айрим ота-оналар иш ёки рўзғор ташвишлари билан андармон бўлиб, фарзанди тарбиясини унутди. Нималар билан шуғулланаётгани, дўстлари, ҳамроҳлари ким эканини суриштириб ҳам кўрмайди. Натижада тарбиясида танаффус бўлган айрим ёшлар қинғир кўчаларга кириб қолишади.

Нукуслик мактаб ўқувчилари Асқар Ниязов, Зарипбай Инамов ва Ботир Сипатдинов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўқишдан бўш вақтларини компьютер хоналарида ўтказиб келарди. Табиийки, бу ўйинхоналар бепул хизмат кўрсатмайди. Шу боис учовлон қандай қилиб кўпроқ пул топиш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлашиб, энг осон йўл – ўғрилиқ қилиш деган қарорга келди. Буни амалга ошириш учун Нукусга унча узок бўлмаган Хўжайли туманига йўл олишди.

Улар туман марказидаги кўчалардан бирида жойлашган озиқ-овқат дўкони-нинг эшигини очишга муваффақ бўлишди. Кейин дўкондан 2 миллион сўм пул, ноутбук, спорт велосипеди ва қўлга илинган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб, воқеа жойидан яширинишди.

Бироз вақт ўтиб, учовлон яна шу туманга «ов»га чиқди. Бу гал хусусий тадбиркор Х.К.га тегишли дўкон ичидан 1 миллион сўм пул, ноутбук, уяли алоқа телефони ва бошқа нарсаларни ўғирлаб кетишди. Ўғирланган буюмларни сотиб, пулларини шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишди.

Ўзларининг юриш-туриши, хатти-ҳаракатидан ҳеч ким шубҳа қилмаётгани уч «шоввоз»ни яна қинғир ишга ундади. Устига-устак, ўғрилиқ моллар сотилганидан келган пулларнинг таги кўриниб ҳам қолганди. Хуллас, галдаги объект хусусий тадбиркор З.Д.га тегишли дўкон бўлди. Дўкондаги мусиқий овоз кучайтиргич, йўл сумкаси, турли озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг «ўлжа»сига айланди.

Бу пайтда бир-бирига ўхшаш ўғрилиқ ҳолатлари бўйича ички ишлар органлари томонидан қидирув ишлари олиб борилаётгани. Натижада кўп ўтмай учаласи ҳам ўғирланган нарсаларини арзон-гаров пуллаётган пайтда қўлга олинди.

Суд ўсмирларнинг вояга етмагани, қилмишига чин дилдан пушаймонлиги, шунингдек, дўкон эгаларига келтирилган зарарнинг тўлиқ қопланганини инобатга олган ҳолда, тегишли жазо тайинлади.

Гувоҳи бўлганингиздек, юқоридаги ҳолатга ота-оналарнинг фарзанди тарбиясига лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Агар улар фарзандларига вақт ажратиб, нималар билан машғул эканини назорат қилиб боришганида эди, бундай ҳолат юз бермаган бўларди. Шундай экан, сабабсиз оқибат, оқибатсиз сабаб бўлмаслигини тўғри англаган ҳолда, фарзандларимиз тарбиясига эътиборсиз бўлмайлик.

Нурлибек ТАЖИМУРАТОВ,  
подполковник.  
Азамат ПИРНИЯЗОВ,  
«На посту» мухбири.





## SALOMATLIK SABOQLARI

## ORQALAB YUGURISHNING FOYDASI

Bu mashg'ulot nafaqat sportchilar uchun, balki tayanch-harakat va yurak-qon tomir tizimi bilan bog'liq kasalliklardan aziyat chekayotganlar davolanishida ham samarali vosita sifatida tan olingan. Bunday mashqning eng asosiy ustuvorlik jihati – uni bajarish uchun trenajyorlar bilan jihozlangan zal bo'lishi shart emas.

QULAYLIK HUDUDIDAN  
CHIQQAN HOLDA

Inson hatto oddiygina tik holatda qolish uchun ham miya vizual, vestibulyar va propriotseptiv (o'z tanasini his etish) tizimini muvofiqlashtirishi lozim. Teskari turgan holda orqalab yurish esa miyaning zimmasiga murakkab va o'ziga xos vazifa yuklaydi. Masalan, odatiy yo'nalishning o'zgarishi ko'proq diqqatni talab etadi, barcha tizimlarni uyg'unlashtirish uchun esa qo'shimcha vaqt zarur bo'ladi. Murakkablik darajasining ortishi organizm uchun foydani ham ko'paytiradi.

O'Z-O'ZING BILAN  
MUVOZANATDA

Muntazam ravishda amalga oshiriladigan bunday «teskari yurish» odamda bardoshlilikni kuchaytirishi va muvozanatni saqlay olish ko'nikmasini yaxshilashi, yurish buzilishini davolashda yordam berishi allaqachon o'z isbotini topgan.



Shuningdek, bu ko'rinishdagi mashqlar tizza bo'g'imi osteoartritini davolash bilan bog'liq tadqiqotlarda o'z samarasini namoyon etgan.

MUSHAKLARNI  
MUSTAHKAMLAYDI

Gap shundaki, orqaga yurish bo'g'im va mushaklarda oddiy harakat shaklini o'zgartirishni talab qiladi. Bunda nisbatan qisqa, ammo tez-tez qadam bosish, orqa va oldinga

noodatiy egilish kerak bo'ladi. Bu boldir mushaklari chidamliligini oshirib, bo'g'imlarga yuklamani kamaytiradi. Shuningdek, bu mashq qiya tekislikda amalga oshirilsa, tovon shporasi kabi kasalliklarda samarali tarzda og'riqni yengillashtiradi.

BELDAGI  
OG'RIQQA QARSHI

Ushbu mashg'ulot vaqtida tana holati shunday o'zgaradiki, natijada bel sohasida ko'proq mushaklar harakatga keladi. Orqaga yurish nati-

jasida paraspinal mushaklarning faollashishi surunkali bel og'rig'idan aziyat chekuvchi bemorlar reabilitatsiyasida samarali natija beradi.

MASHQNI TO'G'RI  
BAJARISH

Mutaxassislar bunday mashg'ulotni sekin harakatlar bilan va qisqa masofadan boshlashni tavsiya qiladi. Avvalo, orqangizda qoqilib, yiqilishga sabab bo'ladigan to'siqlar yo'qligiga ishonch hosil qiling. Bosh va ko'krak sohasini tik

tutgan holda, faqat oldinga qarang. Tana holatini buzib, yelka osha orqaga qarash kabi tabiiy istakni yengib o'ting. Ortga qadamni avval bosh barmoqni yerga bosib, so'ngra ohista to'vonga o'tkazgan holda qo'ying. Ushbu mashq turi odatga aylanib, yengil tuyula boshlagach, qadamni tezlatish va ohista yugurishga o'tish mumkin.

## YURAK UCHUN FOYDASI

Orqaga yurish mashqi bosh miyada surunkali qon aylanishi buzilishi va insult kabi qon tomir va nevrologik kasalliklar bilan bog'liq tadqiqotlarda ham o'z samaradorligini ko'rsatdi.

**Gulchehra AZIMOVA**  
tayyorladi.

Tavsiyalarga amal qilishdan oldin shifokor bilan maslahatlashing.

## МОЗОЛИ

Это локальное уплотнение кожи, возникающее в ответ на длительное давление или трение. Бывают сухими и мокрыми, чаще всего возникают на стопах. Если кожа стоп сухая и склонная к раздражению, а также имеются натоптыши в области больших пальцев, то можно говорить об общем истощении организма, нервном перенапряжении, недостатке некоторых витаминов. Огрубение кожи всей стопы говорит о нарушении обмена веществ.

## ПРИЧИНЫ ПОЯВЛЕНИЯ

Новая, жесткая обувь, долгие пешеходные прогулки, длительное стояние на ногах или просто тонкая кожа способствуют возникновению мозолей на ногах. Со временем они начинают доставлять дискомфорт, а иногда и болезненные ощущения.

## Как избавиться от них в домашних условиях

Бережно вымойте ногу так, чтобы мозоль не лопнула. Приклейте специальный пластырь для влажных мозолей. Сделайте подушку из стерильных марлевых салфеток. Приложите к пузырю и зафиксируйте обычным пластырем. Меняйте повязку два раза в день утром и вечером.

## ЭТО ИНТЕРЕСНО

## Шесть правил здоровья с Востока

## 1. Чаще расчесывать волосы.

Согните пальцы и используйте их, как расческу. Расчесывайте волосы ото лба к затылку. Выполните около 100 таких движений. Они должны быть медленными и мягкими. Это

упражнение стимулирует и массирует энергетические точки головы, снимает боль, улучшает зрение, снижает кровяное давление. Результат будет лучше, если делать упражнение по утрам.

## 2. Чаще растирать лицо.

Разогрейте ладони, чтобы они стали теплыми, поднесите их к лицу – так, чтобы средние пальцы касались боковин носа. Мягко растирайте кожу лица, двигаясь вверх ко лбу, затем в стороны, переходя на щеки. Выполняйте 30 таких движений, предпочтительно по утрам. Упражнение освежает голову и снижает кровяное давление. Помогает против морщин.

## 3. Чаще выполнять упражнения для глаз.

Медленно поворачивайте глазные яблоки слева направо (14 раз), потом справа налево (14 раз). Плотно закройте глаза и резко их откройте.

## 4. Чаще постукивать уши.

Закройте уши ладонями и 12 раз постучите тремя средними пальцами каждой руки по затылку. Затем, прижимая указательный палец к

среднему, пощелкайте им по затылку с характерным звуком, так же 12 раз. Делайте это по утрам или когда чувствуете усталость. Упражнение помогает при звоне в ушах, головокружении и заболеваниях ушей. Улучшает слух и память.

## 5. Чаще выдыхать застойный воздух.

Задержите дыхание и раздуйте грудь и живот. Когда почувствуете, что грудь и живот наполнены воздухом до предела, приподнимите голову и, открыв рот, медленно выдыхайте застоявшийся воздух. Повторите упражнение 5-7 раз.

## 6. Чаще массировать живот.

Разотрите ладони, чтобы они стали теплыми, поместите их на пупок (мужчины – левую руку поверх правой, а женщины – правую поверх левой). Растирайте живот расширяющимися круговыми движениями по часовой стрелке (36 кругов), потом в обратную сторону, постепенно уменьшая радиус (тоже 36 кругов). Это упражнение улучшает перистальтику кишечника, способствует дыханию, предотвращает застой пищи в желудочно-кишечном тракте, улучшает пищеварение, предупреждает желудочно-кишечные расстройства.



Не забудьте проконсультироваться с врачом

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

ИИБ Фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник

## Парпи ИБРАГИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва фахрийлар кенгаши ИИБ Қашқадарё академик лицейи директори, подполковник Мирзохид Дўстёровга падари бузруквори

## ЧЎПОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ИИБ Шахсий хавфсизлик бош бошқармасининг Фарғона вилояти бўйича бошқармаси канцелярия бошлиғи, сафдор Саидаълоҳон Сайпиддиновга волидаи муҳтарамаси

## ҲАМИДАХОН аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.







# ВЛИЯНИЕ ХОЛОДОВ

Сильные снегопады и морозы в Республике Узбекистан – редкое явление. Этой зимой столбик термометра чаще опускался ниже нулевой отметки. А утром 13 января 2023 года в столице отмечалось  $-19,8^{\circ}\text{C}$ , что было зафиксировано как самый низкий показатель за январь. Высота выпавшего снега составила 26 см. Но эти показатели не являются рекордными за последние 80 лет. Зимой 1969 года температура в Ташкенте опускалась до  $-23,1$  градуса, а высота снежного покрова составляла 54 см. Самым холодным был декабрь 1930 года, когда минимальная температура воздуха опускалась до  $-29,5^{\circ}\text{C}$ . При этом в Республике Каракалпакстан и Навоийской области в 1972 и 1977 годах температура опускалась от  $-33$  до  $-36^{\circ}\text{C}$ , а на плато Устюрт – от  $-38$  до  $-40^{\circ}\text{C}$ .



**Мавлюда РАСУЛЕВА,**  
доцент кафедры «Безопасность жизнедеятельности»  
Ташкентского государственного  
технического университета,  
кандидат технических наук.

Какие органы чувств заставляют нас стыть от холода?

К ним относятся рецепторы и мышцы, расположенные во всех областях тела, на стенках сосудов и др. Рецепторов, отвечающих за холод больше, чем рецепторов тепла. На морозе они сразу передают сигналы в мозг. Тепло генерируется за счет «сжигания» калорий в организме для регулирования температуры тела.

В результате исследований было установлено, что человек может «сжечь» до 250 килокалорий за три часа на морозе. Если на улице температура  $-5^{\circ}\text{C}$ , нервная система теряет чувствительность, и боле-

вой сигнал не доходит до головного мозга. Если при таком холоде возникает сильная головная боль, уже через 30 минут человек начинает чувствовать легкость.

Орган восприятия холода состоит из телец в коже и наружных слизистых оболочках, внутри и частично снаружи располагаются периферические ветви сенсорной нервной системы, равномерно распределенные на коже и слизистых оболочках. Клетки густо расположены на кончиках пальцев и языка, на губах, где уровень чувствительности значительно выше.

При сильном морозе наблюдается резкое сужение сосудов, возрастает вероятность обморожения конечностей. Ухудшается состояние людей, перенесших инфаркт и инсульт, страдающих повышенным артериальным давлением, болями в голове и сердце, заболеваниями дыхательных путей и легких. У больных с бронхиальной астмой возрастает риск развития бронхоспазма или стенокардии. Таким людям необходимо носить с собой лекарства, держать голову и шею, где расположены кровеносные сосуды, в тепле.

Чтобы облегчить свое состояние в холодные дни, обязательно нужно завтракать. Голодание вызывает быстрое замерзание организма и ослабление иммунитета. Желательно увеличить калорийность пищи на 25-30% по сравнению с жаркими днями. Очень полезна горячая и жидкая пища.

Однако у холода есть и плюсы. Прогулки на свежем воздухе, катание на санках – любая физическая активность приводит к тому, что защитные клетки и лейкоциты начинают усиленно бороться с попадающими внутрь организма инфекциями и способствуют повышению иммунитета.

Коллектив Объединенной редакции МВД Республики Узбекистан выражает искренние соболезнования оператору-наборщице Нигоре Мухамеджановой в связи с кончиной ее матери

**Галины Анатольевны АТАМЕТОВОЙ.**

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 30 января по 5 февраля)



**Овен.** На первый план могут выйти контакты с друзьями. Не исключены сложности с реализацией намеченных целей. Возможно, вы поймете, что запланированные мероприятия требуют гораздо больше времени и сил, чем вы предполагали. На выходных может состояться знакомство с новыми людьми.



**Телец.** Может произойти ухудшение отношений в семье. Это не лучшее время для подписания важных соглашений: например, договора о трудоустройстве. На выходных, скорее всего, улучшатся отношения с родителями, поэтому стоит воспользоваться этим и захватить к ним в гости.



**Близнецы.** Навалится много обязанностей, для выполнения которых сил будет не хватать. Уделяйте здоровью максимум внимания. Могут наблюдаться ослабление иммунитета и физическая слабость. Постарайтесь провести необходимые профилактические меры, чтобы минимизировать риск заболевания.



**Рак.** Эта неделя – испытание на прочность семейных уз. В какой-то момент вы можете почувствовать напряжение со стороны домочадцев. Не оказывайте на них давление, не принуждайте и не диктуйте свои правила. Помните, что мягкими методами можно добиться практически всего.



**Лев.** Может сложиться непростая ситуация с близкими людьми, конфликт поколений. Постарайтесь терпимее относиться к ценностям, которые важны для ваших родителей. Это не лучшее время для проведения совместной деятельности: генеральной уборки, ремонта в квартире, перестановки мебели.



**Дева.** Следует особое внимание уделить профилактике здоровья. Возрастает вероятность простуды или кашля. Люди с их разговорами и просьбами могут вызывать раздражение. От новых знакомств сейчас лучше воздержаться. Возможно, придется заниматься ремонтом бытовой техники, автомобиля.



**Весы.** Могут ухудшиться отношения с родственниками и деловыми партнерами. Одни из вероятных причин – скупость, нежелание обсуждать финансовые вопросы. В будние дни лучше воздержаться от посещения увеселительных мероприятий, а на выходных, наоборот, желательно расслабиться.



**Скорпион.** Придется отстаивать свою позицию перед членами семьи. Возможно, ваши намерения войдут в противоречие с мнением близких родственников, родителей. При обоюдном желании любые противоречия можно согласовать. На выходных в семье снова восстановится гармония.



**Стрелец.** Слухи или сплетни могут испортить настроение. Не лучшее время для откровенных разговоров. Следует быть осмотрительнее в контактах: есть риск столкнуться с людьми, которые могут попытаться вас обмануть или навредить репутации. На выходных смело планируйте встречи и путешествия.



**Козерог.** Трезво оценивайте свои способности и возможности. Это время внесения корректив в стратегические жизненные планы. Достаточно напряженно могут сложиться отношения с друзьями и знакомыми. Крайне нежелательно давать и брать деньги в займы. Не исключены материальные убытки.



**Водолей.** Внешние обстоятельства сейчас могут препятствовать реализации ваших инициатив. Не стоит расслабляться, будьте готовы к борьбе. Наиболее проблемная тема недели – сложности в карьере, взаимоотношениях с начальством. Постарайтесь принять ситуацию как данность.



**Рыбы.** Не опускайтесь до тайной или незаконной деятельности. Вас могут обмануть, любые договоренности рекомендуется подтверждать документально. Во время дальних поездок не следует откровенничать со случайными попутчиками: ваши слова могут обернуться против вас же самих.



# «O'N BIR AHMAD» ZIYORATGOHI

**Bu foniy dunyoda hayotimiz moziyning bir zarrasi, xolos. Lekin ezgu amallar abadiyatga daxldor. Tarixga nazar tashlasak, boy madaniy merosimiz, unutilmas ma'naviy hazinalarimiz bisyorligiga guvoh bo'lamiz. Ular o'tmish va kelajakni bog'lab turuvchi bebaho qadriyatlarimiz timsolidir.**

Namangan shahrida joylashgan «O'n bir Ahmad» ziyoratgohi haqida turli rivoyatlar bor. Ba'zi manbalarda ushbu ziyoratgoh Islom olamining turli hududlarida, turli yillarda yashab o'tgan Ahmad nomi bilan ataluvchi 11 nafar aziz avliyo va shayx sharafiga tiklangan, deya talqin qilinadi. Ba'zi manbalarda esa fiqh va tariqat ahli vakili – O'n bir Ahmad hazratlarining qabri, deyilgan. Yana bir rivoyatda aytilishicha, O'n bir Ahmad hazratlari Xoja Ahmad Yassaviyning o'n bir izdoshlaridan biridir.

Ta'kidlash joizki, mamlakatimizda ulug' ajdodlarimiz merosini saqlash, ularni kelgusi avlodga bus-butun yetkazish va tarixiy obidalarni avaylab-asrashga alohida e'tibor qaratiylayotgani yurtdoshlarimiz va xalqaro jamoatchilik tomonidan keng qo'llab-quvvatlanmoqda.



Namangan viloyati hokimligining tashabbusi bilan 2018–2021 yillarda «O'n bir Ahmad» ziyoratgohi majmuasi mukammal ta'mirlanib, ziyoratchilar va sayyohlar ixtiyoriga topshirildi. Zamonaviy andozalarga to'liq javob beradigan bino va inshootlar qad rostladi. Ularni bunyod etishda milliy me'morchilik an'analaridan keng foydalanildi.

Ziyoratgoh qariyb 1 gektar maydonni egallagan. Maqbara, 110 metrli sharqona uslubdagi ayvon, uchta shiypon, tahoratxona, namozxona, jonliq so'yish uchun alohida joy va oshxonani o'z ichiga olgan. Shuningdek, ramziy darvoza, favvara, sharshara va hovuz ham ushbu mo'jaz maskan ko'rkiga ko'rk qo'shib turibdi.

**Gulchehra BUVAMIRZAYEVA**  
tayyorladi.

Namangan viloyati.



## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

### ■ Сурхондарё

Одамлар турли бахтсиз ҳодисалар натижасида жараҳат олиб, қон йўқотиши ва қон куйишга муҳтож бўлиши мумкин. Кунда-кунора бундай ҳодисаларга гувоҳ бўладиган Сурхондарё вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари ана шундай инсонларга оз бўлса-да, беғараз ёрдам беришга аҳд қилиб, вилоят Қон куйиш марказида донор сифатида қон топширдилар.



**Postda**  
Ha nocty

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV  
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

Foziljon MAMASHARIPOV  
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV  
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami  
2021000600447980001.

Bank kodi 01037.

ATB

«Qishloqqurilishbank»  
Sergeli bank  
xizmatlari ofisi.  
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-5374.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 50481 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.

